

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ГЕРМАНИЯ
ТАЖРИБАСИ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

5

МАҲАЛЛАЛАРДА КҮЗ-ҚИШ МАВСУМИГА
ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАДИ?

8

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 1 ОКТЯБРЬ 2022 ЙИЛ | №39 (2073)

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar

МАҲАЛЛАДА ЯШИЛ БОҒ ЁКИ ЖАМОАТ ПАРКИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

«ЯШИЛ БОҒЛАР» ВА «ЯШИЛ ЖАМОАТ ПАРКЛАРИ»НИ БАРПО ЭТИШ УЧУН
ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, КЎП КВАРТИРАЛИ
УЙ-ЖОЙЛАР МУЛҚДОРЛАРИ ТАШАББУС БИЛАН ЧИҚИШИ МУМКИН

16-саҳифада.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!
**ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ,
АЗИС МАҲАЛЛАДОШЛАР!**
**«Маҳалла» газетаси ва «Маҳалла ko'zguisi»
журнали 2023 йил учун обуна мавсуми
бошланганини эълон қилади!**

Газета ва журнал саҳифаларида Сиз маҳалла ҳаётига дахлдор бўлган долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалар билан танишасиз. Маҳалла раисларининг илғор тажриба ва ютуқлари, муаммолари билан ўртоқлашасиз. Уз навбатида ҳар иккала нашр Сизнинг яқин ҳамкорингиз ва минбарингизга айланади.

Сиз ушбу нашрларга обуна бўлиш учун газетанинг **15-саҳифасида** тақдим этилаётган Обунани ташкил этиш бўйича шартнома (оммавий оферта) шартлари билан танишиб, иловадаги Буюртманома (Акцепт)ни тўлдирган ҳолда таҳририятга жўнатсангиз ёки хабардор қилсангиз kifоя. Мазкур Буюртманома сизнинг шу фурсатдан обуна бўлганингизни тасдиқлайди ва Сиз 2023 йил давомида сеvimли нашрларингизни мунтазам мутолаа қилиш имкониятига эга бўласиз.

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

РАКУРС
**ПОЙТАХТ ДЕПУТАТЛАРИ
ИНСОН ТАҚДИРИГА
ШУНЧА БЕПАРВОМИ?**



Аслида, на жамоат транспортида, на пиёда юрадиган депутатлар қарор қабул қилса, шундай бўлади.

11

НУҚТАИ НАЗАР
**ЎЗБЕКИСТОН
МАКТАБЛАРИ ХАВФДАН
ҚАНЧАЛИК ҲОЛИ?**



БИЗНИНГ БОЛАЛАРНИ ҲАМ ХОРИЖЛИК ТЕНГ ДОШЛАРИ КЎРАЁТГАН ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР ТАРБИЯЛАЁТГАНИНИ ИНКОР ЭТА ОЛМАЙМИЗ.

12

ЖАРАЁН

Маҳаллалардаги айрим оилалар боқимандаликка шунчалик ўрганиб қолишганки, бирор-бир дафтар («Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», «Темир дафтари») рўйхатига кириш учун маҳалла раиси ва хотин-қизлар фаоли билан даҳанаки жанг қилишгача боряпти.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари давом этмоқда

Республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг кундалик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатаётган энг долзарб муаммоларни ўрганиш орқали 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жараёнда нафақат ўрганишлар, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда, балки ечимини маҳалла даражасида ҳал этиш мумкин муаммолар жойида бартараф этилмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири маслаҳатчиси Ботир Парпиев Бекобод туманида бўлиб, сектор раҳбарлари ҳамда бошқа масъуллар, маҳалла раислари иштирокида қатор масалаларни муҳокама қилди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Асосий эътибор — аҳолининг кундалик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатаётган энг долзарб муаммоларни ўрганиш орқали 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларни белгилашга қаратилди. Иигилишда ҳар бир маҳаллада муаммоларни жойига чиққан ва аҳоли билан бевосита мулоқот қилган ҳолда аниқлаш ҳамда тегишли дастурларга киритилишини таъминлаш, ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти, кўп қаватли уйлар, тиббий хизмат кўрсатиш, мактаб ва боғчалар ҳолатига алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланди.

Жорий йил бошида танлаб олинган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши оғир бўлган қишлоқ ва маҳаллаларда олиб борилаётган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, жорий йилнинг июнь ойида қишлоқ ва маҳаллалардаги мавжуд ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларининг ҳақиқий ҳолати бўйича ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра,

«оғир» деб топилган маҳаллалардаги муаммоларни 2023 йил «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурига киритилишини таъминлаш ҳақида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, «Шова», «Бешюэ», «Қўқони», «Мустақиллик», «Янгибозор», «Ёшлик», «Саврак», «Кушчи», «Боғишамол», «Зиёли», «Хонобод» ва Ҳамза, Бобур Мирзо номидаги маҳаллаларни янги бино билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Жойларга чиққан ҳолда, «Обод қишлоқ» дастурига киритилган ҳудудлар — «Бунёдкор» маҳалласида йўл, сим ёғочлар, трансформатор ўрнатиш, Фарҳод номидаги маҳаллада 2 км. йўлга асфальт ётқизиш, маҳалла биносини реконструкция қилиш ва 160 та сим ёғочлар ўрнатиш ишларини жадаллаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходимлари сектор раҳбарлари ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари билан бирга Пастдарғом туманида бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни тинглади, давлат дастурига киритиш учун таклифлар ўрганиб чиқилди.

Тумандаги «Туркман», «Санчикул», «Қатортерак» ва «Бўстон» маҳаллаларида ижтимоий муаммоли масалаларини ўрганиш жараёнида аниқланган муаммолар юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди. Ўрганишлар давомида маҳаллалардаги «бешлик»

— маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профлактика инспектори ҳамда йиғинлар аҳолиси билан учрашувлар ўтказилди.

Ургут тумани маҳаллаларидаги учрашувларда ишчи гуруҳ аъзолари аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича туманда қилиниши зарур бўлган ишлар, уй-жой, мактаб, боғча, тиббиёт, маданият, спорт муассасалари, ички йўллар, ичимлик сув, электр, газ каби кўплаб масалалар бўйича аҳоли фикр ва таклифларини тинглади.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ.

Аҳолининг кунлик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатаётган энг долзарб муаммоларни ўрганиш мақсадида Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги масъул ходимлари Жалақудуқ ва Булоқбоши туманларидаги маҳаллаларда фаоллар билан учрашди.

Жалақудуқ туманидаги «Тошлоқ» маҳалласида ўтказилган учрашувда фуқаролар маҳалланинг ички йўллар, боғча, мактаб ва кўп қаватли уйларни таъмирлаш, ичимлик сув, электр, газ таъминотини янада яхшилаш, қўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатиш каби масалаларда мурожаат қилдилар. Ўрганишлар сўнггида мутасаддиларга билдирилган мурожаатлар ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари давом этмоқда.

Мухбирларимиз.



НУҚТАИ НАЗАР

Маҳалла «олтин балиқча» эмас...

Бугунги кунда аксарият маҳалла фуқаролар йиғинида асосий муаммолардан бири — айрим фуқароларни боқимандалик кайфиятидан қутқариш, бу тушунчани бутунлай бартараф этишдан иборат бўлиб қоляпти. Негакки...

Халқ қабулхоналарига билдирилаётган мурожаатларнинг аксариятини моддий ёрдам сўраш, нафақа пули тайинлаш, уй таъмирига, тўй ўтказишга ёрдамлашиш каби масалалар ташкил этапти.

Маҳаллалардаги айрим оилалар боқимандаликка шунчалик ўрганиб қолишганки, бирор-бир дафтар («Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари», «Темир дафтари») рўйхатига кириш учун маҳалла раиси ва хотин-қизлар фаоли билан даҳанаки жанг қилишгача боряпти. Уларга «оилангизнинг даромади бу йил талабдаги меъёрдан ошган, энди бу рўйхатдан чиқариласиз», деб кўринг-чи, балога қоласиз. Шикоят, аризабозлик бошланади. Беихтиёр ўйлаиб қоласан киши.

Наҳотки, бундай одамлар бир умр ночорлар рўйхатида туриш, ёрдам пули олишни хуш кўрса?!

Маҳалла ходимларининг асосий муаммоларидан яна бири — мурожаат хатларини ёпиш ва моддий талабгорларга ҳомий излашдан иборат. Аслида, ҳар қандай моддий ёрдам, бу — эҳсон. У жанжал ёки шикоят ёзиш билан олинмайди, балки чин кўнгилдан ҳада қилинади. Зеро, ота-боболаримиз ўзгалардан ёрдам сўрашдан, оиласидаги камчиликларни бировага ошкор этишдан ҳамиша ор қилган.

Энди танганинг орқа томонига бир назар ташлайки. Аёлларнинг маҳаллага ёрдам сўраб боришига яна бир сабаб борга ўхшайди. Қўлига бир кунлик егулигини

туғиб олиб, фермерларнинг даласига отланган хотин-қизлар, бир тоғора сомсани пишириб, тонг сахардан идора-ташкilotларни айланиб сотиб юрган аёллар, велосипедига асбоб-анжомларини ортиб, мардикорликка кетаётган усталар, бозорда юк ташиётган йигитларни кўрганингизда, уларни тўхтатиб беихтиёр «раҳмат» айтганингиз келади киши.

Ота-онаси, эри ёки хотини, маҳалла, қолаверса, ватанига боқиманда бўлмасдан меҳнат қилаётган, рўзғорини эплаб, бориға шукур қилиб яшаётганлар доим омон бўлсинлар. Рўзғор ташвишларига дош беролмай, боласини энагаю, Мехрибонлик уйларига топшириб, алиментни эрининг бўйнига илиб,

ўзлари четга кетаётган жувонлар ёхуд оила ва болани боқибдан кўра, уларни ёмонотлиқ қилиб кўчага хайдаётган эркаклар ёнгинасида ҳалол меҳнат қилаётган фидойи инсонлардан ўрнак олсалар қаниди?!

Маҳалла «олтин балиқча» эмас. У ҳамманинг истагини бирдан муҳайё қила олмайди.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Мулоҳаза юритиш навбати СИЗДАН...

Камола ҒОФУРОВА,
Оққўрғон туманидаги
«Мустақиллик» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси,
Гулшода АБДУЛЛАЕВА,
маҳалла хотин-қизлар фаоли.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

Нукус шаҳрида ташкил қилинган оммавий қабулда 586 нафар мурожаатчининг 616 та масаласи кўриб чиқилган бўлса, уларнинг 382 таси жойида ҳал қилинди. Қолган масалаларни ўрганишу ечим топиш бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, Президент Халқ қабулхонаси назоратига олинди.

Ҳар бир масала ортида камида бир оила, ўнлаб инсонлар ҳаётидаги розилик мужассам



«ИШЛАБ, ДАРОМАД ТОПАМАН, ЎЗ ҲАЁТИМНИ ЎЗИМ ЎЗГАРТИРАМАН», ДЕГАН МУРОЖААТЧИЛАРНИНГ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛДИ

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида Оролбўйида аҳоли мурожаатларига энг кўп сабаб бўлаётган масалаларни аниқлаш ва ҳал қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Президентнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонаси томонидан Нукус шаҳрида ташкил қилган Жўқорғи Кенгес раиси ва секторлар раҳбарларининг оммавий қабулида мурожаатларнинг аксарияти меҳнат ва бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, кредит олиш, уй-жой таъмири билан боғлиқ масалалардан иборат бўлди.

Ҳар бир масала ортида камида бир оила, ўнлаб инсонлар ҳаётидаги розилик мужассам. «Ишлаб, даромад топаман, ўз ҳаётимни ўзим ўзгартираман», деган мурожаатчиларнинг масаласини ҳал қилишга ҳам бу қабулда устувор аҳамият қаратилди. Дейлик, нукуслик тадбиркор Қияс Ҳабибуллаев биогомус етиштириш билан шуғулланади ва бу Оролбўйида нисбатан янги ишбилармонлик йўналишларидан биридир. Фаолиятини кенгайтириш масаласида ёрдам сўраган тадбиркорга ер участкасини аукционга чиқариш, ҳужжатларни расмийлаштириш масаласида амалий кўмак кўрсатилди.

Мулоқотлар жараёнида иш масаласида мурожаат қилган 13 нафар инсон доимий иш билан таъминланган бўлса, ўз уйида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, даромад топиш истагини билдирган 235 нафар мурожаатчиға пишириқ пишириш печлари ва тикув машиналари берилди. Уларнинг аксарияти эса «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»ларига киритилган хотин-қизлардир. Бу эса биргина шу қабулнинг ўзида қарийб 250 нафар инсон ўз иши, даромад манбаига эга бўлди, деганидир.

Бу галги қабуллар натижасида «Инсон қадри учун» ғоясининг амалий рўёби нукуслик Наргиза Қайпназарова оиласига янги ҳаёт олиб кирди. Аёлнинг ўзи 2-гуруҳ ногирони, неча йилдан бери ижарама-ижара кун кечириб, икки фарзандини ёлғиз улғайтирмоқда. Оммавий қабулга нажот истаб келган Наргиза опанинг масаласи ўрганилиб, уларга Нукус шаҳридаги ижтимоий уйлардан тураржой ажратиб беришга қарор қилинди.

Нукус шаҳридаги «Жипек жойи» маҳалласида яшовчи Ринат Файзуллаев бу йил Нукус шаҳридаги юридик техникумга ўқишга кирди. Унинг орзуси таълим олиб, ҳуқуқшуно бўлиш, аммо контракт пулини тўлашга имкони йўқ. Айни масалада қабулга ёрдам сўраб келган Ринатга ҳам шартнома пуллари тўлаб берилиши маълум қилинди.

Ёки Нукуснинг «Теле орай» маҳалласида яшовчи Алмурат Жумамуратовнинг шу мазмундаги мурожаати асосида икки нафар талаба фарзандининг контракт пуллари маҳаллий бюджет ҳисобидан қоплаб бериладиган бўлди. Умуман, қабулда жами ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 7 нафар талаба фарзандларига

шу йўналишда ёрдам қўллари чўзилди.

Жами 92 нафар мурожаатчиға соғлигини тиклаш йўналишида амалий кўмак берилди. Айтайлик, нукуслик Амангелди Боранбаевнинг юрагида жарроҳлик амалиётини ўтказиш, Назира Алимбетованинг фарзандини даволатиш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Мухтасар айтганда, Президентимиз топшириғи асосида Оролбўйида соҳалар бўйича ҳудудий масъуллар бир жойда жам бўлиб, ҳар бир мурожаатни синчиклаб кўриб чиқиб, уларга ечим топаётгани халқ билан мулоқот тизимини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Нукус шаҳрида ташкил қилинган оммавий қабулда 586 нафар мурожаатчининг 616 та масаласи кўриб чиқилган бўлса, уларнинг 382 таси жойида ҳал қилинди. Қолган масалаларни ўрганишу ечим топиш бўйича аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, Президент Халқ қабулхонаси назоратига олинди. Қорақалпоғистондаги секторлар раҳбарларининг бу каби очиқ мулоқотлари Оролбўйининг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил қилинмоқда.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Болалар нафақаси қанча муддатга тайинланади?

Вазирлар Маҳкамасининг 654-сон қарори билан тасдиқланган «Қам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»-ги Низомга асосан:

- **болалар нафақаси 12 ой муддатга тайинланади** ва оиланинг энг кичик ёки ягона фарзанди ўн саккиз ёшга тўлгунигача тўланади;
- **моддий ёрдам фарзандлари бўлмаган ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва яққа-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади** ва тўланади.

Юқорида кўрсатилган муддатлар тугаганидан кейин бола пули ёки моддий ёрдам олувчи оила яна қайта ариза бериш йўли билан олаётган моддий ёрдам пулини янги муддатга узайтириши мумкин.

2 маҳаллага 4 миллиард сўм сарфланади



Аرنасой туманидаги «Бўстон» ва «Дўстлик» маҳаллаларининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури бўйича амалга ошириладиган объектларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Бу учун маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмаларни яхшилаш мақсадида Республика бюджетидан 4 млрд. сўм ажратилди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳар икки маҳаллада жами 4,5 км. ички йўллар шағаллаштирилади. Ичимлик

сув ва оқова сув тармоқларини қуриш, қайта қуриш ва модернизация қилиш ҳамда аҳолини узлуксиз сифатли ичимлик сув билан таъминлаш бўйича «Бўстон» маҳалласи ҳудудига борувчи 0,5 км. узунликдаги асосий ичимлик сув тармоқлари таъмирланади. Суғориш тизимларини яхшилаш бўйича ҳар икки маҳаллада жами 4,5 км. ички ирригация тизими қурилади. Электр таъминоти тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ҳам жами 4 км. ҳаво тармоқлари реконструкция қилиниб, 120 дона бетон устунлар ўрнатилиши режалаштирилган.

МЕЗОН

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари зиммасига юклатилган вазифаларини тизимли бажармоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳудудларда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали 1 млн. 572 минг нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди.



Бугун маҳалла одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан биладиган тузилмага айланиб бормоқда. Бунда, айниқса, унинг ваколатлари янада кенгайиб, иш услублари ўзгараётгани эътиборга моликдир. Жумладан, «маҳаллабай» ишлаш тизими жорий этилиши натижасида ҳар қандай масала маҳаллада ҳал бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган тизим аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

«Маҳаллабай» ишлаш тизими қандай самара беряпти?

Юқорида ўтириб ишлаш, турли дастурлар ишлаб чиқишнинг даври ўтди. Ахир, ҳудуднинг имкониятларини, иссиқ-совуғини билмаган киши унинг тараққиётини қандай белгилай олади?

Чиндан ҳам, юқорида ўтириб ишлаш, турли дастурлар ишлаб чиқишнинг даври ўтди. Ахир, ҳудуднинг имкониятларини, иссиқ-совуғини билмаган киши унинг тараққиётини қандай белгилай олади? «Маҳаллабай» тизими айна шу муаммога ечим бўлди. Эндиликда туман ва шаҳарлардаги иқтисодий комплекс ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилиб, ўз соҳасига доир масалаларни ҳал қилиб бормоқда.

Жумладан, Президент ташаббуси билан ташкил этилган бешлик ҳамкорлиги орқали «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш ва янги тадбиркорлик, шу жумладан, «драйвер» лойиҳаларини амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш, шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда жойларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун сунвий тўсиқ бўлаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишга эришиляпти. Маҳалла институти фаолиятининг самардорлиги ошиб, жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айланди.

Масалан, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари зиммасига юклатилган вазифаларини тизимли бажармоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳудудларда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали 1 млн. 572 минг нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Хусусан, 251 319 нафари доимий иш жойларига жойлаштирилди, 817 682 нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга

олинди, 53 709 нафари яқка тартибдаги тадбиркорликка ва 122 739 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 326 943 нафар фуқарога ижара асосида ер ажратилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида жами 5,1 трлн. сўм имтиёзли кредит ва ишсизларга 67 млрд. сўм субсидиялар ажратилди. 146 880 нафар аҳоли касб-хунарга тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.

Ёшлар етакчилари фаолияти ҳам маҳалла фаоллари ва ижтимоий соҳа ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Бугунгача 16-30 ёшдаги 8,2 млн. нафар ёшлар (3 850 261 нафари хотин-қизлар) «маҳаллабай» тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 5 тоифа (бандлик, таълим, оилавий, ижтимоий ва саломатлик ҳолатлари) асосида «Ёшлар баланси» тўлиқ шакллантирилди ҳамда махсус электрон платформага киритилди. Шу билан бирга, давлат органлари ахборот тизимларининг зарур 43 турдаги маълумотлар базасидан 30 таси «Ёшлар баланси» билан интеграция қилинди.

Йил бошидан «Ёшлар баланси» асосида ёшлар етакчилари томонидан аниқланган ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг бугунга қадар 225 минг 60 нафари «Ёшлар дафтари»га киритилиб, 184 минг 41 нафари ижтимоий-иқтисодий кўмак берилди. Шунингдек, ишсиз ёшларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари, уруғлик ва кўчат харид қилиш учун субсидиялар

ажратиш, нотурар жойлар ижараси ва бошқа йўналишларда 294,7 млрд. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Тарбияси оғир, жиноятчиликка мойиллиги бор ёшлар учун мавсумий оромгоҳлар ташкил этилди. Жумладан, Мўйноқ туманидаги «Оқ кема» оромгоҳида, Бўстонлиқ туманидаги «Ёшлар оромгоҳи»да 3 000 нафардан зиёд профилактик ҳисобда турувчи ва жиноятчиликка мойил ёшлар учун ҳарбий-ватанпарварлик оромгоҳи иш бошланди.

«Бир нуруний — ўн ёшга масъул» тамойили асосида 100 мингдан зиёд тарбияси оғир, жиноятчиликка мойил ва ишсиз ёшлар фахрий нурунийларга бириктирилиб, «Нуруний ва ёшлар», «Икки авлод учрашуви» тадбирлари ўтказилди.

Ўз навбатида хотин-қизлар фаоллари жойларда маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориб, уларнинг кўмагида 79 023 нафар хотин-қиз тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Ушбу тадбиркорлик субъектларида 123 196 та иш ўрни яратилди, 102 290 нафар аёлга 1 млрд. 710 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Шунингдек, узок муддатга чет давлатга чиқиб кетган хотин-қизлардан 249 993 нафари ўз оиласига қайтарилди эришилди. Ўтган давр мобайнида 7 376 та ноқонуний никоҳ асосида яшаб келаётган оилалар никоҳ қонунийлаштирилди. Уларнинг кўмагида 7 та йўналиш бўйича ҳисобот дафтари юритилиб, бунда оилалар ва хотин-қизлар

ўртасида юзага келган муаммоларни ҳал қилиш бўйича кунлик мониторинг қилинапти.

Хусусан, 14 083 та ажралиб ёқасидаги оилалар яраштирилди, 124 177 нафар ишлаш истагида бўлган хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. 49 114 нафар касб-хунарга ўқиш ва ўрганиш истаги бор хотин-қизлар ўқитилиб, 35 625 нафар хотин-қизга ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди. Профилактик ҳисобда турган 9 329 нафар хотин-қизларнинг муаммолари бартараф этилиб, миграциядаги хотин-қизларнинг оилалари билан ишлаш натижасида 55 798 нафари-га кўмак берилди. «Аёллар дафтари»даги 644 849 нафар хотин-қизлардан 524 880 нафари (81,4 фоиз)га ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллалар тинч бўлишида профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Янги тартиб асосида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш соҳасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ички ишлар органларига 1 376 158 та қақирувлар келиб тушган бўлса, уларнинг 18 фоизи тергов-тезкор гуруҳи таркибида ҳамда 82 фоизи бевосита профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилган.

Профилактик ҳисобда турган шахслар билан ташкил этилган яқка тартибдаги профилактик ишлар натижасида мазкур тоифадаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар кескин камайишига эришилди. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича тегишли идораларга тақдим-

номалар киритилди. Яшаш, ўқиш ва иш жойига муқим эга бўлмаган 24 мингдан ортик шахслар аниқланиб, уларга ижтимоий кўмак берилди. Шунингдек 4 702 нафар шахслар тиббиёт муассасаларига мажбурий даволанишга ётқизилди. Аҳоли ўртасида 50 мингта (50 089) салбий ижтимоий-иқтисодий муаммолар аниқланиб, уларнинг 27 мингдан ортиги (27 218) жойида бартараф этилди, қарийб 23 мингтаси (22 871) юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ҳамда мутасадди идораларга тақдимномалар киритилди. Натижада республикадаги 9 370 та маҳаллаларнинг деярли ярми (49 фоизи)да умуман жиноят содир этилмади.

Бир сўз билан айтганда, «маҳаллабай» ишлаш орқали барча соҳа мутасаддилари бир мушт бўлиб, маҳаллалардаги муаммолар, аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишмоқда.




Алишер ТУЙЧИЕВ,
Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Маҳалла институтини ривожлантириш ва маҳаллабай ишлаш тизимини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи.



Хонобод шаҳар ҳокими М.Тожибаев бошчилигида барча сектор раҳбарлари ҳамда мутасаддилар иштирокида маҳаллаларда аҳоли хонадонлари «хонадонбай» ўрганилмоқда. Шаҳардаги кўп қаватли аҳоли тураржойларидаги фуқароларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш, шунингдек, аҳолини куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди. Эътиборлиси, бугунгача ишчи гуруҳи аъзолари ҳудудлардаги барча кўп қаватли хонадонларда мониторинг олиб борди. Шаҳар ҳокими бошчилигидаги ишчи гуруҳ «Мустақиллик» маҳалласида бўлиб, муаммоларни хонадонма-хонадон ўрганди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Маҳалла бюджети ҳудудда истиқомат қилувчи жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва даромад солиқлари ҳисобидан шакллантирилади. Яъни йиғилган солиқларнинг 15 фоизи маҳалла бюджетига ажратилади. Маҳалла бюджетини тақсимлаш, шу маҳалланинг фахрий ва фаол фуқаролари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.



«СУБСИДИАРЛИК ТАМОЙИЛИ» АСОСИДА ҚУЙИ ДАРАЖАДАГИ БЎҒИНЛАРНИНГ ВАКОЛАТИНИ КЕНГАЙТИРИШ НАЗАРДА ТУТИЛАДИ. БУНДА ФАҚАТ ҚУЙИ ДАРАЖАДА ҲАЛ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН МАСАЛАЛАРГИНА ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ БЎҒИНЛАРГА ОЛИБ ЧИҚИЛИШИ МУМКИН

«Маҳаллабай» тизимини ислоҳ қилишда ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш ҳам ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Шу мақсадда Германиянинг Ханнс Зайдел жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ҳўш, Германияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси нимаси билан аҳамиятли? Нега айнан Германия давлати танланди? Жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси офис раҳбари Жавохир Дўстовнинг айтишича, Германияда ҳам маҳалла тизими (гемайнде) мавжуд ва у тузилма сифатида яхши ривожланган. Ҳамкорликдан кўзланган мақсад нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятидаги ютуқ ва тажрибаларни юртимиздаги маҳаллалар фаолиятига жорий этишдир.

Этиборлиси, ҳамкорлик доирасида жорий йил 4-10 июль кунлари Германиянинг Бавария Федерал ерига «Бавария федерал ери ҳукуматининг давлат ва маҳаллий бошқарувини ўрганиш» мавзусида танишув хизмат сафари ташкил этилди.

Хизмат сафарида Самарқанд вилояти маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроиил Жабборов ҳам бўлиб қайтди. Унинг таъкидлашича, Германияда маҳалла бюджети ҳудудда истиқомат қилувчи жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган мол-мулк ва даромад солиқлари ҳисобидан шакллантирилади. Яъни йиғилган солиқларнинг 15 фоизи маҳалла бюджетига ажратилади. Маҳалла бюджетини тақсимлаш, асосан, шу маҳалланинг фахрий ва фаол фуқаролари билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Давлат хизматида ишлаш истагидаги ёшларни ўқитиш, уларнинг мунтазам малакасини

ошириш тизимли йўлга қўйилган. Хизмат сафари давомида давлат хизматчилари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш соҳасида Бавария бошқарув мактаби, Давлат хизмати олий ўқув юрти ҳамда Бавария ўзини ўзи бошқариш коллежи фаолияти ҳамда таълим имкониятлари билан яқиндан танишилди.

— Германиядаги бошқарув тизими номарказлаштирилган бўлиб, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш буйича масалалар бевосита вилоят, туман, шаҳар ва коммуна маъмурияти даражасида ҳал қилинади экан, — дейди Самарқанд вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи И.Жабборов. — Барча бўғиндаги тузилмаларда аниқ функционал чегаралар белгиланган. Масалан, энг қуйи бўғин — гемайнде маъмурияти ваколатига ҳудудда қурилиш бош режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, саховат ва қариялар уйлари юритиш, йўлларни қуриш ва эксплуатация қилиш, ичимлик ва оқова сувини таъминлаш, кутубхоналар ишини ташкил этиш функциялари кирди. Гемайнде ўз бюджетига эга ва у ўзига тегишли ҳудуддан маълум бир турдаги солиқлар тўлиқ ёки қисман ажратилиши ҳамда ҳукуматдан ажратилаётган субсидиялар ҳисобига тўлдирилади. Ҳар бирида иш ҳажми ва бюджет кўлаmidан келиб чиқиб, 15-30 нафаргача ходим

фаолият юритади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайта этиш, ерларни қайта тақсимлашда қўмаклашиш, ички хавфсизликни таъминлаш каби давлат функцияларини амалга оширади.

Швабия вилоятидаги Динкельшерберн гемайнде маъмуриятда 15 нафар ходим ишлар экан. Коммуна маъмурияти солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиши, мустақил равишда қурилиш ишларини амалга ошириши ва харажатларини, ўзининг ички ташкилий тузилмаси ва штатларини тасдиқлаши, шунингдек, савдо солиғи, ер солиғи каби солиқларни ундириши мумкин. Солиқлар ва мажбурий тўловлардан тушган даромадларнинг бир қисми, масалан, даромад солиғининг 15 фоизи, айланма маблағларнинг 2,2 фоизи уларнинг бюджетига ўтказилади. Бундан ташқари, спорт комплекслари, мактабгача таълим муассасалари, кутубхонага аъзолик бадаллари, қурилиш учун рухсатнома бадаллари, сув хавзалари учун йиғимлар ҳам шу бюджетга йўналтирилади. Гемайнде раҳбарини сайлов орқали аҳолининг ўзи танлайди ва у 6 йил муддатга сайланади.

Бу жабҳада, айниқса, ўрناق оладиган жиҳатлар кўп. Масалан, бюджет лойиҳаси бевосита коммуна маъмурияти томонидан шакллантирилади ва тасдиқлаш учун туман маъмуриятининг муниципал ривожланиш бўлимига юборилади. Бошқарув тизимининг самарадор-

лиги ва натижадорлигининг асосий сабаби барча бошқарув жараёнлари «субсидиарлик тамойили» асосида шаклланган. Яъни бу тамойилга асосан, қуйи даражадаги бўғинларнинг ваколатини кенгайтириш назарда тутилади. Бунда фақат қуйи даражада ҳал қилиб бўлмайдиган масалаларгина юқори даражадаги бўғинларга олиб чиқиши мумкин.

Хизмат сафари бевосита ушбу тизимда муҳим ҳулосалар чиқаришга туртки бўлди. Ҳатто соҳани ислоҳ қилиш юзасидан бир нечта таклифлар киритилди.

Биринчиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспекторларини маҳалла раисларига тўғридан-тўғри бўйсунуши кўрсатилган маҳалла фуқаролар йиғини структурасини ишлаб чиқиб, йиғинда амалга оширилиши белгиланган вазифаларни умумлаштирган ҳолда маҳалла фуқаролар йиғини низоми, вазифалар тақсмотини ҳукумат қарори билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчиси, Бавария ўлкасининг маҳалла ҳудудидаги инфраструктурани яхшилаш, аҳолининг ишончини оқлаш, фуқаролар эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 50 йил олдин бошлаган ва бугунги кунда ўз натижасини бераётган ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, маҳалла тизимининг молиявий манбасини яратиш лозим.

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.



«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига асосан, Оқолтин туманининг «Тошкент» ва «Янги ҳаёт» маҳаллалари аҳолисини барқарор электр энергияси билан таъминлашга қаратилган ишлар белгиланган режага мувофиқ олиб борилмоқда. Бугунги кунга қадар «Тошкент» маҳалласида 125 дона янги темир-бетон устунлар ўрнатилиб, 3 км.дан ортиқ масофага замонавий кабеллар тортилган бўлса, «Янги ҳаёт» маҳалласида 41 дона устунлар ўрнатилиб, 2 км.дан ортиқ узунликда кабеллар ўрнатилиб, жами 5,3 км. янги электр тармоқлари қурилди. Шунингдек, мазкур маҳаллалардаги 3 дона трансформатор пунктнинг мукамал таъмирдан чиқарилгани аҳолига сифатли электр энергияси етказиб беришга хизмат қилмоқда.

ЖАРАЁН

Вилоятдаги ҳар бир маҳаллада соҳалар бўйича муаммоларни ҳал этиш мақсадида нурунийлар кўмагидан самарали фойдаланилмоқда. 21 та ижтимоий-маънавий муҳити барқарор бўлмаган маҳаллаларга «Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий» тамойили асосида профессор-ўқитувчилар ва зиёлилар жалб этилди.

«Ислоҳотлар самараси натижаларда акс этади»

2022 йилнинг биринчи ярмида 134 та маҳалла биноси қурилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг 74 таси давлат-хусусий шериклик, 32 таси ҳашар-ҳомийлик, 28 таси маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилиши керак. Бугунгача режадаги барча ишлар бажарилди



Ўтган қисқа давр мобайнида маҳалла тизими тубдан ислоҳ қилинди. Соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланиб, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тизимга янги иш услубларини кенг татбиқ этиш, аҳоли муаммолари билан ишлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бугун ана шу ўзгаришлар, ислоҳотлар натижаси Фарғона вилоятида ўз аксини топмоқда.

Фарғона вилоятида айни пайтда 3 млн. 896 минг 393 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллалар сони 1 062 та бўлиб, шундан 219 таси шаҳарларда, 843 таси туманларда, 128 таси туман марказларида (37 таси туман марказидан 30 км.дан олисда, тоғли ва чўл ҳудудда, 97 таси чегара ёки анклав ҳудудда) жойлашган.

Кўп жиҳатдан ислоҳотларни янада самарадор бўлиши маҳаллалар моддий-техник таъминотига боғлиқ. Шу маънода 2022 йилнинг биринчи ярмида 134 та маҳалла биноси қурилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг 74 таси давлат-хусусий шериклик, 32 таси ҳашар-ҳомийлик, 28 таси маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилиши керак эди. Бугунгача барча ишлар режа асосида бажарилди. Этиборлиси, ўз хизмат биносига эга бўлган таъмирга муҳтож бир ва икки хонали 110 та маҳалла идорасини қайта қуриш ишлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда.

Ўз навбатида бошқа ташкилот балансидаги бинода фаолият олиб бораётган 24 та маҳалла биносидан 13 таси манзилли дастур асосида қурилди, 11 тасига ер-жой ажратилди. Маҳаллалар ходимлари янада тезкор ва за-

монавий ишлаш таъминлаш мақсадида 240 та йиғинда симли алоқа линиялари ўтказилди, барчаси интернет тармоғига уланди. Уларга «Маҳалла» ягона ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича логин, пароллар тақдим этилган.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари вилоятимизда ҳам «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида йиғинларга эътибор ортиб бормоқда. Ҳудудларни ривожлантириш мақсадида 2021 йилда 10 та маҳалла биносини янгидан қуриш учун 1 млрд. 181 млн. сўм, 38 та маҳалла гузарини капитал таъмирлаш учун 2 млрд. 850 млн. сўм маблағ сарфланган бўлса, жорий йилда 5 та маҳалла биносини янгидан қуриш учун 1 млрд. 50 млн. сўм, гузарларни таъмирлаш учун 2 млрд. 280 млн. сўм сарфланди. Бу борадаги ишлар йил охиригача давом этади. Умуман олганда, қисқа фурсатларда Фарғона маҳаллаларида бино билан боғлиқ муаммолар бўлмайди.

Маҳалланинг ободлиги у ердаги яшилликка ҳам боғлиқ. Шу маънода «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳордан шу кунга қадар 1 млн. 800 минг дона мевали, манзарали, бу-

ва тут дарахт кўчатлари экилди. Натижада ҳар бир маҳалла янада обод ва кўркем масканга айланди. Экилган ниҳолларга маҳаллалардан оилалар бириктирилган, шу боис уларнинг баравж ўсишида муаммолар йўқ.

Яна бир жиҳат — маҳалла инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу ишларнинг натижаси аҳоли розилигида кўринади. Шу мақсадда 27 минг 203 та оила ва 1 минг 874 та ижтимоий ҳимояга муҳтож, ўта ночор оиланинг хонадонлари таъмирланиб, ободонлаштирилди. Аҳоли хонадонлари ва ички кўчалардаги 18 минг 402 дона дарахтларга шакл берилди, 16 минг 905 та кўчалар тартибга келтирилди. 2 364 485 дона гул кўчатлари экилиб, 955 та қабристон ва 110 та зиёратгоҳлар ҳудудлари ободонлаштирилди. Шунингдек, бўш ер майдонларига терак кўчатлари ва қаламчалари экилиб, ҳозирги кунга қадар улар маҳаллалар балансида олинди.

Вилоятдаги ҳар бир маҳаллада соҳалар бўйича муаммоларни ҳал этиш мақсадида нурунийлар кўмагидан самарали фойдаланилмоқда. 21 та ижтимоий-маънавий муҳити барқарор бўлмаган маҳаллаларга «Бир зиёли – бир маҳаллага маъ-

навий ҳомий» тамойили асосида профессор-ўқитувчилар ва зиёлилар жалб этилди. Табиийки, бунинг натижасида ҳудудларда жиноятчиликнинг олди олиниб, нотинч оилалар сони камайди.

Ўз навбатида кекса ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш асосий эътибор марказида бўлмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 63 700 нафар нуруний тиббий кўриқдан ўтказилиб, 2 943 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлганларга дори-дармон воситалари берилди. Уларнинг хонадонларида ҳашарлар ташкил этилиб, уйлари таъмирланди. 1000 нафар кексаларга ногиронлар аравачаси, 3 250 нафарга эшитиш мосламаси, 6 200 нафарига ҳасса (қўлтиқ таёқ), 15 000 нафарига кўзойнак, 20 000 нафарига бошқа реабилитация воситалари берилди.

Бир сўз билан айтганда, Фарғона вилоятидаги маҳаллалар бугун чинакам халқ ишонган ва суянган, ислоҳотлар майдонига айланиб бормоқда.

Баҳодир ҲОЛИҚОВ,
Фарғона вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.



Термиз давлат университетидан олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчилари суҳбат шаклида сирдан давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

46 нафар ҳоким ёрдамчиси талаба бўлди

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчиларини давлат ОТМларининг иқтисодий таълим йўналишларига вилоят ҳокимларининг тавсияси билан давлат гранти бўйича сиртки

таълим шаклига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш амалиётини жорий этиш белгиланган.

Шунга мувофиқ, Сурхондарё вилоятидаги 721 та маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириб, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш йўлида самарали меҳнат қилаётган ҳамда университетда рўйхатдан ўтган ҳоким ёрдамчиларининг имтиҳон (суҳбат) жараёнлари бўлиб ўтди.

Суҳбат Давлат қабул комиссиясининг тегишли муваққат Низомига мувофиқ ўтказилди. Унга кўра,

Давлат тест марказининг махсус дастури орқали рўйхатдан ўтказилган абитуриент ҳоким ёрдамчиларига суҳбат ўтказиладиган муддат олдиндан хабар берилди. Ишчи гуруҳнинг суҳбати ташкил этилди.

Шу куни суҳбат жараёнларидан ўтган 46 нафар ҳоким ёрдамчиси Термиз давлат университети иқтисодиёт ва туризм факультетига давлат гранти асосида сиртки таълим шаклига ўқишга қабул қилинди.

С.ИБРОҲИМОВ.

ЖАРАЁН

Меҳр-оқибат, кексаларга эътибор, эҳтиёжмандларга мурувват ҳамиша ота-боболаримизнинг фазилати саналган. Бизнинг ҳозирги аъмолимиз ана шу анъанага йўғрилган. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг бош шиори: туманда бирорта эътибордан четда инсон, оила бўлмаслиги керак.



Ҳеч ким меҳр ва эътибордан бегона қолмаяпти

ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА ҚАТОР МАҲАЛЛАДА ЯНГИ БИНО ҚУРИЛДИ, КЎПЛАБ ИДОРЛАР ТЎЛА ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ. УМУМАН, ҲОЗИРГИ КУНДА 50 ТА МАҲАЛЛАДАН 48 ТАСИ ЎЗ БАЛАНСИДА БЎЛГАН БИНОЛАРГА ЭГА

Гурлан тумани нафақат Хоразмнинг, балки мамлакатимизнинг қадимий ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу номнинг келиб чиқиши билан боғлиқ қатор ривоят ва қарашлар бор. Масалан, «Гури олон» — яъни «олон уруғининг қабристонлари жойлашган ҳудуд» ёки Каспий денгизининг қадимий номларидан бири «Гиркания» сўзидан келиб чиққан, деб ҳисобловчилар бор. Умуман, туманимиз аҳолиси қадимдан меҳнатқаш ва тадбиркор бўлиб келишган. Меҳр-оқибат, кексаларга эътибор, эҳтиёжмандларга мурувват ҳамиша ота-боболаримизнинг фазилати саналган. Бизнинг ҳозирги аъмолимиз ана шу анъанага йўғрилган. Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимининг бош шиори: туманда бирорта эътибордан четда инсон, оила бўлмаслиги керак.

50 ТА МАҲАЛЛАДАН 48 ТАСИ ЎЗ БАЛАНСИДА ЭГА

Бугунги кунда туманимизда 50 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг учтаси чегара ҳудудида жойлашган. Аҳоли сони 152 минг нафардан ошади. Салкам 43 мингга оила, 30 мингга яқин хонадон бор. Туман ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, бандлигини таъминлаш, янги маҳалла идораларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда.

Мисол учун, йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудимиздаги 15 та маҳаллада янги бино қуриб фойдаланишга топширилди. 9 та идора тўла қайта таъмирланди. Умуман, ҳозирги кунда 50 та маҳалладан 48 таси ўз балансида бўлган биноларга эга бўлди.

2 та маҳалла ходимлари бошқа ташкилот ва муассасалар биноларида фаолият олиб бормоқда Ушбу йиғинларнинг янги биноларини қуриш ишлари давом этмоқда. Барча янги бинолар зарур шароитлар, моддий-техник таъминот билан таъминланган. Компьютер техникалари олиб берилган. Ху-

дудни тўла интернет тармоғига улаш ҳаракати ўз натижасини берапти.

ҲАР БИР НУРОНИЙ — ЎН ЁШГА МАСЪУЛ

«Бир нуронийга ўн нафар ёш» тамойили асосида маҳаллалардаги ёшлар етакчилари 57 нафар нуроний билан ҳамкорликда ишлаяпти. Бунда бизга зиёли, тадбиркор ва ҳаёт чиғирликларидан ўтган ҳудудда ёшлар иштирокида содир этилаётган жиноятлар сони кескин пасайган. Бундан ташқари, оилавий ажралишлар сонини камайтиришга ҳам эришяпмиз. Муаммоли оилаларга туман имом-хатиби, отиноийлар, ҳуқуқ-тартибот, ҳокимлик идоралари вакиллари иштирокида борамиз. Муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, ечим топишга ҳаракат қиламиз.

Туманда кексалар учун «Нуронийлар маскани» мажмуаси ташкил этилган. Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши, 50 та маҳаллада «Кексалар маслаҳати» гуруҳлари тuzилган. Туманда «Кексалар ҳафталиги» ва «Кексалар учун туризм оили-

ги»ни ўтказиш анъанага айланди. Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ва нуронийлар ҳолидан мунтазам хабар олиш йўлга қўйилган.

Маҳаллаларда тиббий кўрикни ўтказишга 3 та тиббий автобуслар, 22 нафар тор доирадаги мутахассислар жалб этилиб, 1 780 нафар нуроний чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Жумладан, 1 024 нафарига амбулатор даво, яъни туман даражасида 172 нафарига консерватив, 32 нафарига оператив, вилоят даражасида 54 нафарига консерватив, 10 нафарига оператив стационар даво чоралари қўрилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими орқали 2022 йилнинг 6 ой давомида кекса нуронийларнинг 4 нафари ногиронлар аравачаси, 4 нафари эшитиш мосламаси, 13 нафари ҳасса, 2 нафари қўлтиқ-таёқ билан таъминланди. Шунингдек, туманда 15 нафар ёлғиз кекса ва ёлғиз яшовчи

кексалар ҳисобга олинган бўлиб, шундан 11 нафар ёлғиз кексага 15 983,0 минг сўмлик беғул озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари етказиб берилди. Фуқаролар йиғинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари ва маҳаллалардаги бошқа жамоатчилик тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатиши таъминланди.

Бундан ташқари, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» доирасидаги ишларимизни жадал давом эттирмоқдамиз. «Темир дафтар»даги 93 нафар, «Аёллар дафтари»даги 194 нафар, «Ёшлар дафтари»даги 13 нафар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 14 нафар ёлғиз кексалар, 63 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага 245 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллаларимизда кечаётган барча ислохотлар халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз халқ розилигини олишга қаратилган.

Рустам ДОСИМОВ,
Гурлан тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

«Навбахор» кўчалари кенг ва рагон бўлади



Вилоят ҳокимининг Қоровулбозор тумани аҳолиси билан ўтказилган учрашувида ҳудуддаги бир қатор таъмирталаб ички йўллар мавжудлиги, бу эса аҳоли, айниқса, таълим муассасаларига қатновчи ўқувчи ёшлар учун ноқулайликлар туғдираётгани билдирилганди.

Бундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида «Навбахор» маҳалласининг Дўстлик кўчасида аҳоли талаб ва истакларидан келиб чиқиб, ички йўлни

таъмирлашга киришилди. — *Ўйдим-чуқурлар кўчалар транспорт ҳаракатланиши, пиёдалар, айниқса, ўқувчилар учун жуда кўп ноқулайлик туғдирарди, — дейди маҳалла фаоли Эргаш Рўзиев. — Ҳозирда кўчамизнинг 600 метр қисмида қайта таъмирлаш ишлари бошланди. Эндиликда кўчаларимиз кенг ва текис бўлади. Йўловчилар қийналмайди. Маълумот учун, ҳозирда Дўстлик кўчасидаги эски асфальт қатламлари олиниб, 600 метр жой шағаллаштирилди ҳамда асфальт ётқизишга тайёрланди.*

ВАЗИЯТ

Барча ҳудудларда мақбул нархларда озиқ-овқат ярмаркалари ташкил этилади, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган оилаларга кўмир ва суюлтирилган газни ўз вақтида етказиш ҳамда болаларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Одатда куз-қиш мавсуми эшик тақиллатганда, қишлоқларда яшайдиганлар газ пасайиб ёки буткул йўқолиб, электр энергияси кунда бир неча соат берилишига тайёргарликни бошлаб, ўтин, кўмир ғамлайди, таппининг таҳини бузади. Қишлоққа яраша бўлмаса-да шаҳарда яшайдиганларнинг ҳам ўзига яраша дард-ҳасрати бор. Айниқса, кўп қаватли уйда яшайдиганлар қировли кунларда уйи исимаслиги, тоmidан чакка ўтишидан нолийди. Биринчи қаватдагилар эса захдан азият чекади. Хўш, бу йил қиш мавсумини қандай қаршилаймиз?



Маҳаллаларда куз-қиш мавсумига қандай тайёргарлик кўрилади?

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК УЧУН 1,99 ТРЛН. СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛАДИ, 737 КМ. ИССИҚЛИК, 1,8 МИНГ КМ. СУВ ТАЪМИНОТИ ТАРМОҚЛАРИ ТАЪМИРЛАНАДИ, 1,68 МЛН. ТОННА КЎМИР ЗАХИРАСИ ЯРАТИЛАДИ

МАҲАЛЛАЛАР ТОИФАЛАРГА АЖРАТИЛАДИ

Айтиш керакки, ҳар йили куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинади. Бу йил ҳам шундай бўлди — 2022 йил 23 сентябрда «Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли уй-жой фондини 2022/2023 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Ҳужжат аввалида маҳаллий ҳокимликлар, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини нимадан бошлаши зарурлигига урғу берилди. Жумладан, барча ҳудудларда мақбул нархларда озиқ-овқат ярмаркалари ташкил этилади, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га

киритилган оилаларга кўмир ва суюлтирилган газни ўз вақтида етказиш ҳамда болаларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш чоралари кўрилади. 443 та олис ва бориш кийин бўлган қишлоқ(овул)ларда кўмир, газ ва 15-20 кунга етадиган асосий турдаги озиқ-овқат захиралари яратилади.

Қарорга кўра, масалалар маҳаллалар кесимида назорат қилиб борилади. Бунда туну кун ишлайдиган алоқа тизими ишга туширилиб, маҳаллаларда қарор ижроси бўйича ҳисобот берилади, маҳаллалар «қизил», «сарик» ва «яшил» ҳудудларга ажратилади.

Ҳужжатга асосан, 2022/2023 йиллар куз-қиш даврида республика бўйича 2 967 та кўп квартиралли уйлар, 299 та газ тақсимлаш пунктлари, 1 815,3 км. ичимлик суви тармоқлари, 2 420 та ижтимоий соҳа объектлари (жумладан, 13 та мактаб, 74 та шиφοхона ва поликлиника, 7 та ОТМ, 47 та маданият объектлари, 11 та спорт объектлари мукамал) таъмирланади. 149 км. газ қувурларини тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Шунингдек, тасдиқланган ойлик жадвалга асосан, 6 209 та маҳаллага 314 400 тонна, жумладан, жорий йил октябрь-декабрь ойларида 157 200 тонна суюлтирилган газ етказиб берилади. Мавсум давомида жами 1 680 000 тонна кўмир маҳсулотлари захираси яратилади (шундан ижтимоий соҳа объектларига 518 000 тонна кўмир етказиб берилади). Аҳоли учун мўлжалланган 1 162 000 тонна кўмирнинг 882 минг тоннасини маҳаллий, 280 минг тоннасини импорт ёқилғи ташкил этади.

МАҲАЛЛАДА КЎМИР ҚАНДАЙ ТАРҚАТИЛАДИ?

Бу йилги режалар маълум, энди гап унинг тўла-тўқис ижро этилишида қолмоқда. Бунда, албатта, жойлардаги тегишли ташкилотлар масъуллари билан бирга маҳалла ходимларининг ҳам ўзига хос масъулияти бор. Зеро, қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг жойларда тўла амалга оширилиши, ҳар бир ҳудудга кўмир, газ ва озиқ-овқат маҳсулотларининг етиб бориши,

маҳсулотлар ҳақиқатда эҳтиёжманд оилаларга берилишида уларнинг ҳиссаси катта.

Биргина кўмир масаласини олайлик. Белгиланган тартибга кўра, газ бўлмайдиган ҳудудларда аҳоли кўмир маҳсулоти билан узлуксиз равишда таъминланади. Бундай аҳоли пунктларида маҳаллалар томонидан кўмирга бўлган эҳтиёж аниқланади ва тегишли рўйхат шакллантирилиб, маҳаллий ҳокимликларга тақдим этилади. Ҳокимлик ушбу рўйхатлар асосида ҳудудий кўмир омборларига буюртма беради ва кўмир тарқатиш жадвалини тасдиқлайди.

Ўз навбатида жадвал маҳалла фуқаролар йиғинига етказилади. Йиғинлар келиб тушган аризаларга мувофиқ, кўмирни сотиб олиш бўйича реестрни шакллантиради ва уни кўмир омборларига етказиб беради. Шунингдек, жадвал асосида фуқароларга талон беради. Аҳоли ушбу талон орқали «Кўмир таъминот» МЧЖга тегишли омборлардан маҳалла раислари иштирокида кўмир сотиб олади.

«Ўзбеккўмир» АЖ матбуот котиби Неъмат Душаевнинг

қайд этишича, аҳоли эҳтиёжлари учун жорий мавсумдан маҳаллий кўмирнинг янги — 2БРЗ 25-500 маркаси жорий этилди. Унинг фракцияси — 25-500 мм., намлиги — 35 фоиз, кулчанлиги — 18 фоизни ташкил этади. Нарх эса ўзгаришсиз қолдирилди. Яъни «Кўмир таъминот» МЧЖ омборлари орқали аҳолига тақлиф этилаётган маҳаллий кўмирнинг бир тоннаси 300 минг 300 сўмни ташкил қилади.

«Ўзбеккўмир» АЖ кўмирни «Кўмир таъминот» МЧЖнинг кўмир омборлари манзилига юклаб жўнатишни таъминлайди ҳамда унинг сифати ва ҳажми учун жавоб беради. Унинг сақланиши ва истеъмолчиларга сотилишини «Кўмир таъминот» МЧЖ таъминлайди. Ангрен кўмир конидан юкланган ёқилғи кўмир жамланмасига етказилгач, у ерда лабораториядан ўтказилади. Ҳар бир вагондаги маҳсулотга сифат сертификати берилади. Харидор кўмирни ўз ҳудудидаги омборлардан сотиб олаётган чоғида ўша сифат сертификатини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.



Электрон ҳисоблагич кимнинг ҳисобидан қўйилади?

Маиший истеъмолчилар, яъни аҳоли хонадонлари ва тадбиркорлик субъектларига электр энергиясини ҳисобга олиш электрон асбобларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, қиёсловдан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) ҳисобга олиш асбоблари ҳудудий электр тармоқлари корхонаси маблағлари ҳисобидан алмаштирилади. Электрга янги уланадиган уй-жойлар ва хонадонларда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига уланадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ҳам ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳисобидан сотиб олинади, ўрнатилади, рўйхатга олинади ва пломбланади. Демак, сизга электр учун электрон «счётчик»ни сотиб ол, деса, бу таъминотчи ҳисобидан қилинишини эслатиб, улардан талаб қиласиз.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

«Ижтимоий ижара» уйларини қуриш ва фойдаланишга топширишни тезлаштириш, бу борада «тажриба-пажриба»ни йиғиштириб, дангал мақсадга кўчиш, асосий эътиборни эҳтиёж катта бўлган ҳудудлар, айниқса, Тошкент шаҳрига қаратиш лозим. Акс ҳолда тез орада шаҳарларимизни «катта ижара инқирози» кутиши мумкин.



Бугун бутун тармоқ нафақат ўзбек сигменти, балки МДХ давлатларининг деярли барчаси, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам меҳмонхона, уй ижараси нархлари муҳокама қилиняпти. Асосий сабаб — урушлар оқибатида ўзи яшаган ҳудудларни ташлаб чиқишга мажбур бўлаётган қочоқлар. Тан олиб айтиш керак, бизда мавзу аввалдан оғриқли бўлган. Масалан, сентябрь ойи бошида шаҳарларга талабаларнинг қайтиши сабаб вужудга келган вазият ёдимизда. Пойтахт ҳокимлиги талабалар учун шошилич равишда катта биноларни ётоқхона сифатида мослаштиришга мажбур бўлди. Хўш, яна буй кўрсатишни бошлаётган «ижара инқирози» шароитида қандай йўл тутишимиз керак?

«Сенда ижарада яшайман, Ватан!»

ЁХУД «ИЖТИМОЙ ИЖАРА» ТЎҒРИСИДА ГАПЛАР НЕГА ТЎХТАБ ҚОЛДИ?

«СТАТИСТИКА ШАҒҚАТСИЗ, РАҚАМЛАР ХАФА ҚИЛАДИГАН...»

Ҳозирда Тошкентда таъмирсиз, жиҳозсиз — қуруқ бир хонали уйнинг энг арзон ижараси 200 долларни ташкил этади. Икки хонали, ўртача жиҳозланган квартиралар 300 доллардан ошиб кетди. Бу бошланғич нархлар, яъни чўнтакда пул билан бозорга тушиб, бундай уйлар ичидан ўзингизга ёққанини танлай олмайсиз. Излаш, захмат чекиш билангина бундай баҳодаги уйни топиш мумкин ва нарх тез орада оширилиши ҳадиғи билан яшайсиз. — **Ўзбекистонда ижара нархлари қимматлиги, аниқроғи, уйлар баҳоси ва энг муҳими — аҳоли даромадларига номутаносиблиги ҳақида кўп гапирилади, — дейди журналист Аброр Зоҳидов.** — Ижара бозорининг асосий харидори бўлган оддий ишчилар 4-5 млн. сўм атрофида маош олса, шундан энг камида 3-3,5 млн. сўмини ижарага сарфлашга мажбур. Бу борада энди-энди олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам Тошкентда бюджет баҳодаги хонадонлар ўртача 10 йилда ўзини оқлашини кўрсатган. Яъни уй олиб ижарага берилса, у 10 йилда сарфланган пулни қайтаради. Ҳолбуки, бу кўрсаткич ривожланган давлатларда 20-30 йил, ҳатто 40 йилни ташкил қилади. Ҳа, статистика шағқатсиз, рақамлар хафа қилади. Муаммо борган сари жиддийлашиб, гасак

олиб бораётир. Қизиғи, ижара баҳоси ошишига омиллар бисёр, аммо бозор қонунларига кўра нарх тушиши ҳеч қузатилмайди. Дастлаб талабалар қайтиши, кейин Россиядан релокантларнинг катта талаб ҳосил қилгани нархларнинг сапчишига хизмат қилган бўлса, тез орада вилоятлардаги бадавлат одамларнинг пойтахтга ва йирик шаҳарларга (яъни газ, «свет» бор жойга) қишлош учун оқиб келиши вазиятни янада мураккаблаштириши тайин. Дарвоқе, ижарага берувчилар хориждан келганлар таклиф қилаётган катта пулларга қизиқиб, ўзимизнинг нисбатан арзон тўлаб турган қорақўзларни хонадонларидан чиқариб юбораётгани қузатиляпти. Бу энди жуда уятли ҳолат...

«ЯШАШНИ ЯХШИ, ДЕБ ЁЗИБ БЎЛМАЙДИ...!»

Ижара нархлари масаласида журналисту ўқитувчилар, умуман, бюджет тизими ходимлари кўп қийналишини биламиз. Масалан, журналист Зиёда Эшмуродова масала юзасидан кечирган муаммоларини баён қилади. — **Ижарадаги «стаж»им 17 йил! Эҳ-ҳее, қандай уйларда яшамадим, — дейди у.** — 1990 йилда талабаликдан бошланган ижара ҳаётим 2007 йилда катта қийинчиликлар, қарзлар ёрдамида уй олишимгача давом этган. Ижарада турмушга чиқдим,

ижарада болаларим туғилди ва улғайишди. Энг оғриқли нуқталарини санаб ўтай: биринчидан, бир хонадонга жойлашиб, атрофдаги боғчага не азобда боламни жойлаштирганимда, 3-4 ой ўтиб кўчишга тўғри келган, фарзандим боғчалар ўзгаришидан қанчалик стрессга тушганди. Бу ҳолат мактабда ҳам давом этди. Болаларим бир нечта мактабда ўқиганидан тайинли синфдошлари ҳам йўқ, иккинчидан, бу ҳолат бир неча марта қузатилган. Тўзиб, ифлос бўлиб ётган уйни беришган. Мен тозаликка жиддий эътибор берардим. Бутун уйни, унитазларигача ярақлатиб тозалатиб қўйганимда уй эгаси келиб кўрганидан сўнг «уйни бермайдиган бўлдим» деган. Бу ҳолат икки марта бўлганига нима дейсиз? Шу қадар хўрлигим келгандики... Энг эсда қоғлариси ва оддий бўлса-да, таъсир қилгани: бир хонадон эгаси пул оладиган кунни уйга пойабзалини ечмай кириб келаверарди. Ортидан тозалаётганимда кўзларим ёшга тўларди, болаларимга кўрсатмай йиғлардим. Телевидениеда ишлаганимда уч хонали уйни учта оилага бўлиб беришган. Ҳаммада иккитадан бола. Қандай ҳаёт кечирганимизни ўзим биламан. Лекин яхши жихати, шундан кейин пул йиға бошладим. Лекин нархлар ошиши туфайли ҳеч етказа олмасдим. 2007 йилда пул йиғиб-йиғиб, яхши инсонлар ёрдами билан Тошкент вилоятининг

Тўйтепа (ҳозирги Нурафшон) шаҳридан уй олганман. Олган куним уйга кириб тўйиб-тўйиб йиғлаганман. Ҳозир кичик бўлса-да, Тошкент шаҳрида ҳовлимиз бор. Шу кунларга етказганига шукр.

«ИЖТИМОЙ ИЖАРА» ШУНЧАКИ ГАП ЭДИМИ?

Умуман, ОАВда бу каби дилни вайрон қиладиган ҳикояларни кўплаб топиш мумкин. Хўш, масуллар бундан ҳолатлардан беҳабарми? Ҳар йили талабалар билан содир бўладиган жараёнлардан-чи? Албатта, йўқ. Таҳлиллар, тадқиқотлар олиб борилган, борилмоқда. Аммо негадир ечим билан ҳаяллаганмиз. Ваҳоланки, масала ўта жиддий ва долзарбдир. Дунёда юз бераётган воқеаларни ҳисобга олсақ, яқин кунларда янада мураккаблашиши ҳам тайин. Нима қилмоқ керак? Ўтган йилларда «ижтимоий ижара» деб аталган ажойиб ташаббус тўғрисида кўп гапирган эдик. Масала юзасидан депутатлар, сенаторлар, вазирлар, жамият фаоллари, журналистлар бонг урганди. Масалан, ўтган йили баҳорда **Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадоев** Тошкент шаҳрининг ўзида 9000 та нотураб жойда яшаётган оилалар мавжудлиги, ижара пули 2 млн. сўмдан кам эмаслиги, бошқа аҳоли пунктларида эса 1 млн. сўмдан эканини айтган. **«Дастлаб тажриба тариқасида Қорақалпоғистон**

Республикаси, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида республика бюджет маблағлари ҳисобидан 30 тадан 90 тагача кўп қаватли уй қуриш белгиланди. Шуни ҳисобга олганда, бу уйларга номинал миқдорда ижара пули тўланади. Тежалган маблағлари ҳисобига эса йиғиб, ипотека уй-жой сотиб олиш имконияти вужудга келади», — **деган эди сенатор.** «Ижтимоий ижара» уйлари фойда олиш учун эмас, балки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига фақатгина уй ва атроф инфратузилмасини сақлаш учун етадиган рамзий тўлов эвазига топширилиши тўғрисида гап-сўзлар бўлган. Бу каби уйларнинг қўлайлиши ижара бозорига таъсир ўтказиб, умумий нархлар пасайиши кутилган эди. Аммо шу пайтгача битта бўлса-да, «ижтимоий ижара» учун ажратилган уй тўғрисида эшитмадик. Бизнинг-ча, муаммонинг бошқача ечими мавжуд эмас. «Ижтимоий ижара» уйларини қуриш ва фойдаланишга топширишни тезлаштириш, бу борада «тажриба-пажриба»ни йиғиштириб, дангал мақсадга кўчиш, асосий эътиборни эҳтиёж катта бўлган ҳудудлар, айниқса, Тошкент шаҳрига қаратиш лозим. Акс ҳолда тез орада шаҳарларимизни «катта ижара инқирози» кутиши мумкин. Бу эса ўз ўрнида кўшимча муаммоларни туғдириши табиий.


Улуғбек ИБОДИНОВ.



Шароит тўқис бўлса, шиддат ва шижоат ортади

Самарқанд туманидаги «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бинонинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. — Ҳудудимизда 1 626 та хонадонда 1 583 та оила, жами 6 286 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фаоли Уткир Шарипов. — Ҳудуддаги муаммолар босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда. Янги бинонинг ишга тушгани ҳаммамизни қувонтирди. Замонавий лойиҳадор асосида барпо этилган иншоот барча шароитларга эга. Эътиборлиси, бинада маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектор учун алоҳида хоналар мавжуд.

БИЛАСИЗМИ?



- ☑ «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларидаги тарбиячилар ҳар йили камида бир маротаба малака ошириш курсларида ўқитилади;
- ☑ «Нурли маскан» мактаблари негизида кўзи ожиз болаларни мактабга тайёрловчи бир йиллик муддатли тайёрлов гуруҳлари фаолияти ташкил қилинади.

Қонунчиликда 1 октябрдан нималар ўзгаради?

АНЪАНАГА МУВОФИҚ 2022 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА РЎЙ БЕРАДИГАН АЙРИМ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ

НАФАҚАЛАР ЯНГИ ТАРТИБДА ТАЙИНЛАНАДИ

Ўзгалар парваршига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига электрон тақдим этиб борилади.



Шунингдек, 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга тўланадиган нафақалар ҳамда парварিশлаш нафақаси фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда «проактив шакл»да тайинланади.


КАСАНАЧИГА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Президент қарорига кўра, касаначига зарур асбоб-ускуна харид қилиш учун тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган субсидия миқдори амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача оширилади.



ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТЛАР БАНКИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

«Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб (хатлаб) қўйилгани, шунингдек, тақиқлаб (хатлаб) қўйиш бекор қилингани тўғрисидаги электрон маълумотлар банки жорий этилади.



ҚОРАҚАЛПОҚ ТАДБИРКОРЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛАДИ

2022 йил 1 октябрдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилишда, шу жумладан, экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун харид қилинган хомашёни республика бўйлаб ташишда транспорт харажатларининг 70 фоизи Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий sanoatни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланган рўйхатга асосан, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади.

Шунингдек, шу муддат давомида Қорақалпоғистон Республикасидаги ёш тадбиркорларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун зарур асбоб-ускуналарни харид қилиш мақсадида Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали 7 йил муддатга қарз маблағлари берилади.



КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙЛАР ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Республика ҳудудидаги кўп квартирали уй-жойларни йиллар кесимида зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади ва хатлов натижасига кўра эксплуатация муддатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартирали уй-жойлар ўрнида босқичма-босқич янги уй-жойлар қуриш бўйича таклифлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиб борилади.


ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИНИ ФОИЗСИЗ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

Жисмоний шахсларга Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республикада ишлаб чиқарилган қуёш ва шомол электр станцияси ҳамда қуёш сув иситиш қурилмаларини 3 йил мобайнида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш имконияти яратилади.

Шунингдек, фармонга мувофиқ, қуввати 5 МВтгача бўлган гидро-электр станцияларда ишлаб чиқарилган электр энергияси «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи функцияси (ваколати) берилган орган томонидан кафолатланган тарзда сотиб олинади.

СТАРТАПЛАР УЧУН 1 МИЛЛИАРД СЎМГАЧА ГРАНТЛАР АЖРАТИЛАДИ

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида IT-таълим хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида 1 миллиард сўмгача бўлган грантлар ажратиш тартиби жорий қилинади.



БОЛАЛАР ЭНГ ЯХШИСИГА МУНОСИБ

Болалар учун мўлжалланган теле- ва радиомаҳсулотларни ишлаб чиқариш ва эфирга узатиш бўйича ҳар йили энг яхши 30 та лойиҳа учун ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача (90 млн. сўмгача) миқдорда бўлган танлов эълон қилинади. Бу борадаги харажатлар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.



Шунингдек:

- ☑ қонунчиликка кўра, 7 та ижтимоий-иқтисодий соҳада босқичма-босқич мажбурий тартибда сунъий йўлдош аппаратлари орқали давлат космик мониторингини амалга ошириш тизими йўлга қўйилади;
- ☑ давлат харидлари бўйича ўтказиладиган электрон савдо ва тендерларда тенг рақобат муҳитини яратиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида «Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри» юритилади;
- ☑ нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ёшларнинг ахборот технологиялари соҳасида ўқиши учун таълим кредити ажратиш тизими йўлга қўйилади.

Крипто-активлар учун йиғим ундирилади

«Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш, уларни тўлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги Низом Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Низомга кўра, Ўзбекистонда майнинг ва крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар (майнерлар ва хизматлар провайдерлари) томонидан ушбу фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар тўланади. Шунга кўра, йиғимлар БҲМга нисбатан қуйидаги миқдорларда белгиланади:

- ☑ майнинг фаолияти учун – БҲМнинг 10 баравари (3 млн. сўм);
- ☑ хизматлар провайдерлари бўйича:
- ☑ крипто-биржа фаолияти учун – БҲМнинг 400 баравари (120 млн. сўм);

- ☑ майнинг-пул фаолияти учун – БҲМнинг 100 баравари (30 млн. сўм);
- ☑ крипто-депозитарий фаолияти учун – БҲМнинг 5 баравари (1,5 млн. сўм);
- ☑ крипто-дўкон фаолияти учун – БҲМнинг 20 баравари (6 млн. сўм).



РАКУРС

Битта депутат «70 — шусиз ҳам паст тезлик, ҳаёт шиддат билан ривожланмоқда, биз эса тезликни секинлаштирмоқчимиз» деган бўлса, бошқаси «тезликни 60 км./соатга камайтириш билан ҳеч нарса ўзгармайди» дейди. Айрим депутатлар бу масалани бутунлай муҳокамадан олиб ташлаш таклиф қилган.

Пойтахт депутатлари инсон тақдирига шунча бепарвоми?



Сўнги ҳафтанинг шов-шувли воқеаларидан бири, шубҳасиз, пойтахт ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида шаҳарнинг айрим кўчаларида энг юқори тезликни 60 км./соат(ҳозир 70 км./соат)гача чеклашни таклиф қилгани ва депутатларнинг бунга қарши чиққанию, бу чора самарадорлигига шубҳа билдиргани бўлди. Хўш, нега шундай бўлди? Ҳурматли депутатларимиз йўллардаги «авария»ларни кўрмаяптими? Ёки улар тезликни яхши кўришадими? Бутун дунёда самара берган тизим пойтахт йўлларида келганда оқсайдими?

«ТЕЗЛИК ПАСАЙСА, «ПРОБКА» БЎЛАДИ, ЁМҒИР ЁҚҚАНДА ҲАМ ҲАММА СЕКИН ҲАЙДАЙДИ — «ПРОБКА» БЎЛАДИ, ПИЁДАЛАР ҲАМ АЙБДОР, ЁШЛАР, АСОСАН, КАТТА ТЕЗЛИКДА ҲАЙДАЙДИ, КАТТАЛАР ЯХШИ ЮРАДИ, ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ ЁМОҢ, ТЕЗЛИК ҲЕЧ НАРСАНИ ҲАЛ ҚИЛМАЙДИ»

«МАҚБУЛ ТЕЗЛИК ЛИМИТИГА ОИД ҚОНУНЛАР ЙЎҚ»

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2022 йилнинг олти ойи давомида **3 559 та** йўл-транспорт ҳодисаси (ИТҲ) содир бўлган (бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,2** фоизга кам), уларда **2 775** киши жароҳат олиб, **784** киши ҳалок бўлган. ИТҲларнинг қарийб **тўртдан бири тезликни ошириш оқибатида** юзага келган. Салкам ярми пиёдаларни уриб кетиш билан боғлиқ. Аввалроқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистоннинг «йўллардаги ўлим» таҳлилида мамлакатда «**мақбул тезлик лимитига оид қонунлар йўқ**» деб баҳолаганди.

Йўлларда автоҳалокатларнинг сонини камайтириш, йўқотишлар ва ўлим статистикасини жиловлашнинг энг биринчи шартларидан бири, бу — **рухсат этилган тезликни туширишдир**. Минг марта, миллион марта бу фактлар илмий-амалий исботланган. Мисол учун, ИТҲида ўлим статистикасини минимумга туширган Финляндия, Германия, Италия, Франция каби давлатларнинг барчасида аҳоли яшаш жойларида рухсат берилган тезлик — **50 км./соат**, Буюк Британияда **48 км./соат**. **Ўзбекистонда эса худди хавфсиз йўл концепцияси таъминлаб қўйилганидек, аҳоли пунктларида 70 км./соат тезлик белгиланган.**

Президент Шавкат Мирзиёев февраль ойида бўлиб ўтган йиғилишда мактаб ва боғчалар олдидан тезлик **30 км./соатдан** ошмаслиги шартлиги, айрим гавжум кўчаларда эса ҳозирги **70 км./соатдан** **60 км./соатгача** тушириш зарурлигини қайд этганди. **Афсуски, бу топшириқлар жуда тез унутилди.** Апрель ойида қабул қилинган янги таҳрирдаги Йўл ҳаракати қоидаларида стандарт максимал тезлик яна ўзгартириш қолдирилди. «Республика комиссияси уни йирик шаҳарларда **60 км./соатгача камайтириши мумкин**», дейилганига қарамай, ҳали бу ҳақда биронта қарор очиклангани йўқ.

Санжар ИСМАТОВ.

ЙТҲНИНГ 47,9 ФОИЗИ ТЕЗЛИКНИ ОШИРИШ ТУФАЙЛИ СОДИР БЎЛГАН

Мақоланинг кириш қисмидаги масалага қайтамыз. **Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерзод Носировнинг айтишича**, жорий йилнинг саққиз ойида Тошкентда **645 та** ИТҲ содир бўлган, бунинг натижасида жабрланганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **720** нафардан **775** нафарга кўпайган. Барча бахтсиз ҳодисаларнинг қарийб ярми — **47,9** фоизи тезликни ошириш туфайли содир бўлган.

Таҳлилда қайд этилишича, **Ўзбекистон рухсат этилган тезлик 70 км./соат бўлган кам сонли давлатлардан бири бўлиб қолмоқда** (аслида рухсат этилган ўлчов хатосини ҳисобга олсак, у

75 км./соатни ташкил этади). Қолаверса, Йўл ҳаракати қоидаларида мактаблар ва боғчалар олдидан тезликни **30 км./соатгача** камайтириш талаби ноаниқ тарзда ёзилган. Унда «тегишли белгилар мавжуд бўлса» деган жумла қўшиб кетилган. Тошкентнинг аксарият мактабларида эса ҳалигача «**50**» белгиси турибди. Бундан ташқари, белгилар мактабларнинг ҳар томонига эмас, фақат бир тарафига ўрнатилиши мумкин.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ИТҲ иштирокчилари жароҳатларининг оғирлиги тезликка қараб геометрик прогрессия шаклида ошади. Автомобиль **30 км./соат** тезликда ҳаракатланаётганда,

20 фоиз ҳолатда тўқнашувда пиёда ҳалок бўлса, **50 км./соат** тезликда бу кўрсаткич аллақачон **60** фоизни, **70 км./соат** тезликда эса **90** фоизни ташкил қилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Шерзод Носиров депутатларга Тошкентнинг айрим кўчаларида тезликни камайтиришни маъқуллашни таклиф қилди.

Маълумотларга кўра, дастлаб **40 та** кўчада тезликни пасайтириш режалаштирилган, яқунда олтига катта кўча — Амир Темур, Бобур, Шота Руставели, Бунёдкор, Фарғона йўли ва Янги Сергели кўчалари қолган. Рўйхатдагилар жуда кўп транспорт ҳаракатланадиган ва бахтсиз ҳодисалар жуда кўп содир бўладиган кўчалардир.

— **2030 йилга бориб**, ўлимга олиб келадиган ИТҲлар сонини нолга қисқартириш бўйича улкан мақсад қўйилган бўлиб, бунинг тезликни пасайтирмасдан амалга ошириб бўлмайди, — **дейди Шерзод Носиров**. — Шу маънода биз тезликни **70 км./соатдан 60 км./соатгача камайтириш** масаласига устувор аҳамият қаратишимиз керак. Йўлларда ўлим ҳолатларининг олдини олашимизни ёки машиналарни тезликда ҳаракатлантиришни танлаймизми? Инсон ҳаёти бебаҳо, тезликни пасайтириш орқали одамларнинг ҳаётини сақлаб қолсак, бу катта ютуқ бўлади. Бу ўнлаб, юзлаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолади.

ХАЛҚ ЎЗ ҚАҲРАМОНЛАРИНИ БИЛИШИ КЕРАК

Юқоридаги таҳлиллар чиндан-да долзарб. Бу ҳолат бугун ё кеча пайдо бўлиб қолмаган, неча йиллардан буён бу масала кун тартибиди. Бироқ негадир пойтахт депутатлари бунинг кўрмаяпти. Таклифга нисбатан муносабат билдирар экан, уларнинг тезликни камайтиришга қарши келтирган сабаблари ҳаммасидан ошиб тушди.

Эътибор қилинг: депутатлардан бири «**70 — шусиз ҳам паст тезлик, ҳаёт шиддат билан ривожланмоқда, биз эса тезликни секинлаштирмоқчимиз**» деган бўлса, бошқаси «**тезликни 60 км./соатга камайтириш билан ҳеч нарса ўзгармайди**» дейди. Айрим депутатлар бу масалани бутунлай муҳокамадан олиб ташлашни таклиф қилган. Аммо ҳартугул тушунган депутатлар ҳам бор шекилли, уларнинг ташаббуси билан масала кейинги сессияга қолдирилган.

Пойтахт депутатларининг фикри билан танишар экансиз, бутун дунё ўтган асрда муҳокама қилиб бўлган

масалани улар яна нимасини муҳокама қилишади, дея хайрон қолсан киши. Аслида, на жамоат транспортда, на пиёда юрадиган депутатлар қарор қабул қилса, шундай бўлади. **Ваҳоланки, Тошкент кўчалари аллақачон ўлим трассаларига айланиб бўлган.**

— **Халқ ўз қаҳрамонларини билиши керак, ундан ҳам муҳимроғи, ўз қаҳрамонларини сайлаши керак, — дейди ҳолатга муносабат билдирар экан Гарвард университети илмий тадқиқотчиси Ботир Қобитов**. — Аслида, Тошкент каби зич шаҳар ичида **60 км./соат ҳам катта тезлик, ундан ҳам пастроқ бўлиши керак**. XXI асрда инсон ҳаётининг қадри бор жамиятларда бу ҳақда ҳеч қандай баҳс ва мунозараларга ўрин қолмаган. Депутатларнинг фикрига кўра, ҳаёт жуда тез олдинлаб кетаётган экан ва биз эса уни секинлаштирмоқчи эканмиз. Кечирасиз, кўчадаги ўлимларни тезда тўхтатиш ўрнига, болаларимизни мактабга кузатаётганда, уйга қайтиб

кела олармикан, деган кўркувларни камайтириш ўрнига бу каби демагогия билан яна қачонгача шуғулланамиз?! Менимча, депутатлар нима масалага қандай овоз бераётгани, қандай фикр бериши уларнинг кейинги фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир қилиши керак.

Кўриниб турибдики, вазият аянчли, йўлларда ҳар кун икки беш киши ҳалок бўляпти ва энг ёмони, бу кўрсаткич ошишда давом этапти. Бугун шундай ҳолат юзага келдики, тинчлик замони бўлса-да, юрак ҳовучлаб кўчага чиқасиз. Энг ёмони, уруш давом этаётган давлатларда ҳалок бўлаётганларга ачинамизу, бироқ шундоққина ён-атрофимизда урушдагидан-да кўпроқ инсонлар, айниқса, болалар бевақт ҳаётдан кўз юмаётганига бепарвомиз. Юқоридаги масала Кенгашининг кейинги сессияларида аниқ ечимини топмаса, бундай кенгаш ва депутатларнинг инсон тақдирига бепарволигидан ҳали кўп куюниб юраверамиз...

НУҚТАИ НАЗАР

Мактабга қурол кўтариб бориш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам учраб турибди. Масалан, ИИБ ходимлари баҳор ойларида ўтказган рейдлар давомида бир ўқувчининг ёнида жароҳат етказувчи тўппонча борлигини аниқлаганди. Қурол гувоҳлар иштирокида мусодара қилинди. Яна саккиз нафар ўқувчининг ёнидан совуқ қуроллар топилган.

Ўтаётган ҳафтада дунё миқёсида муҳокама этилган кўнгилсиз воқеалардан бири сифатида Россиянинг Ижевск шаҳридаги мактабда содир бўлган хунрезликни айтиб ўтиш мумкин. Илгари шу мактабда таълим олган 32 ёшли қотил жанговар ўқлар отиш учун қайта мослаштирилган травматик тўппончалар билан қуролланиб, муассасага бостириб кирган ва кўзига кўринган одамга қарата ўқ уза бошлаган. Натижада 17 киши вафот этди, улардан 11 нафари болалар. Охирида қотил ўзини ҳам отиб ўлдирган. Маълум бўлишича, қотил руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда турган.



Ўзбекистон мактаблари хавфдан қанчалик ҳоли?



Тўғриси, хавфдан бутунлай ҳоли, деб айтиш қийин. Буни ёшлар ва вояга етмаганлар орасида совуқ қуроллар, пневматик тўппончалар билан содир этилаётган жиноятлар мисолида таҳлил қилиш мумкин

таълим муассасаларида тарбияланувчилардан бирида қутилмаган психик бузилиш оқибатида юз берган. 2009 йилда Озарбайжоннинг Боку шаҳридаги Нефть саноати академиясида 29 ёшли Фарда Гадиров томонидан уюштирилган қирғин оммавий ахборот воситаларида катта шов-шувларни келтириб чиқарганди. Ушанда 15 нафар бегунох талаба нима учун ўлдирилаётганини ҳам тушунмай оламдан кўз юмган. Умуман, бу каби ҳолатларни яна узоқ санаш мумкин.

Мазкур мавзуда аввал ҳам мақола чоп этган эдик. Ушанда ҳақли ва ягона савол қўйилган ҳамда жавоб қидирилганди: хўш, мамлакатимиздаги мактаб ва бошқа таълим даргоҳлари юқоридаги каби ҳолатлардан ҳимояланганми?

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИ ХАВФДАН ҲОЛИМИ?

Тўғриси, хавфдан бутунлай ҳоли, деб айтиш қийин. Буни ёшлар ва вояга етмаганлар орасида совуқ қуроллар, пневматик тўппончалар билан содир этилаётган жиноятлар мисолида таҳлил қилиш мумкин. Мазкур мавзуда гап кетганида, 2017 йилда тенгдошлари томонидан ваҳшийларча қалтакланиб ўлдирилган Тошкентдаги Баровский номидаги тиббиёт коллежи талабаси тўғрисидаги воқеани эсламай иложимиз йўқ.

Ўтган давр мобайнида бу каби ҳолатлар яна бир неча марта такрорланди. Масалан, жорий май ойида Фиждун туманидаги Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси дадасининг ўртоғини пичоқлаб ўлдирган. Аввалги йилларда Фузор туманида 9-синфда ўқийдиган қизча ўз севгилисини ўлдиргани ҳақида шов-шув кўтарилганди. Яна шу туманда 7-синф ўқувчиси 23 ёшли йигитни пичоқлаб, қотиллик қилган. Пайарикда 18 ёшли коллеж ўқувчиси курсдошининг қотилига айланган. Термизда 11-синф ўқувчиси маст ҳолатда шеригининг қорнига пичоқ тикиб олади

Умуман, шимолий қўшниларида кейинги пайтларда шу каби ҳолатлар тез-тез такрорланиб турибди. Масалан, ўтган йили сентябрь ойида Пермь шаҳри университетидан отишма юз берган эди. Натижада саккиз нафар талаба ҳаётдан кўз юмди. Ваҳшиёна ва ошқора қотиллик 20 ёшли фуқаро томонидан шунчаки интернет ўйинларига тақлид қилиб амалга оширилгани айтилган.

Бу турдаги жиноятларни дунё бўйича ҳам кўплаб санаш мумкин. Улар сони кескин ортиб борапти. Масалан, жорий йил май ойида АКШнинг Техас штатидаги Ювалде шаҳридаги бошланғич мактабда рўй берган отишмада мактабнинг 19 нафар ўқувчиси ҳамда ўқитувчи аёл ҳалок бўлди. Ҳужум қилган 18 ёшли йигит ўлдирилган. Мамлакатнинг «Колумбайн» мактабидан ўқувчилар томонидан уюштирилган отишмада 15 нафар вояга етмаган шахс ҳалок бўлган эди. Ошхона пичоғи билан амалга оширилган ўхшаш ҳолатлар Япония, Канада, Германия, Финляндия, Швециянинг қатор мактаб ва олий

ва ҳоказо кўнгилсизликларни яна узоқ санаш мумкин.

Демак, юртимиз ҳам вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган қотилликлар хавфдан ҳоли эмас. Зеро, бизнинг болаларни ҳам хорижлик тенгдошлари кўраётган интернет ресурслар тарбиялаётганини инкор эта олмаймиз.

МАКТАБГА ТЎППОНЧА КЎТАРИБ...

Мактабга қурол кўтариб бориш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам учраб турибди. Масалан, ИИБ ходимлари баҳор ойларида ўтказган рейдлар давомида бир ўқувчининг ёнида жароҳат етказувчи тўппонча борлигини аниқлаганди. Қурол гувоҳлар иштирокида мусодара қилинди. Мактаб директорларига кескин чора кўрилади. Яна саккиз нафар ўқувчининг ёнидан совуқ қуроллар топилган. Улар пичоқ билан тенгдошларини қўрқитишни мўлжаллашганми ёки бошқа мақсадлари бўлганми, буниси номаълум. 21 нафар ўқувчининг смартфонлари беҳаё лавҳалар, 18 нафар ўқувчининг смартфонлари эса зуравонлик ва қотиллик акс этган лавҳалар борлиги қузатилган.

2019 йилда пойтахтдаги мактаблардан бирининг 10-синф ўқувчисидан автомат топилгани рост. Бундан ташқари, китоб ва дафтарлар олиб юрилиши керак бўлган мактаб сумкасида ниқоб ва пневматик ўқлар чиққан. Албатта, юқоридаги воқеаларда гап пневматик ўқотар қуроллар тўғрисида борапти. Аммо куни кеча Ижевскда юз берган фожеада травматик тўппонча одам ўлдиришга мослаштириб олинганини кўрдик. Пневматик қуроллар ёрдамида қотиллик қилиш юзасидан тавсияларни эса интернет тармоқларида хоҳлаганча топиш мумкин.

Умуман, кейинги пайтларда таълим жараёнида эркинликлар бериш тўғрисида кўп гапиряптимиз. Жумладан, бизнинг тахририят ҳам бу борада кўплаб чиқишлар қилди. Аммо ортиқча эркинликларнинг салбий томонлари тўғрисида ҳам ўйлаб қўйиш лозим.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

Кексаларни эъзозлаш — эзгу фазилат

Кармана тумани Марказий маданият уйида «Кексаларни эъзозлаш — халқимизга хос эзгу фазилатдир» шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.


Тадбирда тумандаги маҳаллалардан 100 нафардан зиёд нуруний отахон ва онахонлар, маҳалла фаоллари, ёш оилалар ҳамда янги ҳаёт остонасида турган ёшлар иштирок этди.

— Бу каби байрамлар тез-тез уюштириб турилиши керак, — дейди «Боғишамол» маҳалласи раиси Мақсуд Пардаев. — Зеро, авлодлар учрашуви ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларига кўмаклашади. Бундан ташқари, оилавий келишмовчиликлар, жиноятчилик каби нохуш ҳолатларнинг камайишига хизмат қилади.

Фаол нурунийлар ўзларининг босиб ўтган, ёшларимизга ўрнак бўладиган намунали ҳаёт йўллари сўзлаб беришди ва бугунги кунда кексаларимизга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар, эътибор ва эътирофдан мамнун эканини билдиришди. Тадбир якунида фаол отахон ва онахонлар ҳамда ёш оилаларга Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар улашилди.

ТАЪЛИМ

Ушбу ташаббус татбиқ этилса, эндиликда талабгорлар яқин худудидаги мактабга ишга қулай тартибда жойлашиш имкониятига эга бўлади. Чунки барча таълим муассасаларидаги вакантлар очик-ойдин кўриниб туради. Ўқитувчиликка талабгорлар ўзи ҳақидаги маълумотлар, ютуқларини резюме кўринишида мактабга юборади ва онлайн шаклда жавоб олади.



Эндиликда ПЕДАГОГЛАР ишга жойлашишда сарсон бўлмайди

БУ ТАШАББУС ТАТБИҚ ЭТИЛСА, ЭНДИЛИКДА ТАЛАБГОРЛАР ЯҚИН ХУДУДИДАГИ МАКТАБГА ИШГА ҚУЛАЙ ТАРТИБДА ЖОЙЛАШИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАДИ

Бугун педагог кадрларни иш билан таъминлашда муаммолар борлиги сир эмас. Жумладан, олий ўқув юртини тамомлаган битирувчилар иш тополмай сарсон бўлишади. Одатда, талабгорларга бир хил жавоб берилади — иш ўрни йўқ. Афсуски, бу жавоб қанчалик тўғри эканини билиш ҳам имконсиз. Шундай вазиятда турли шубҳага боради одам: «балки бўш ўрин бўлса ҳам, йўқ деётгандир, балки бир-икки сўм берсам, ишга олар», деган хаёллар келади.

Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган мактаб ўқитувчилари ҳамда директорлар портфолиосини яратиш, инсон омили аралашмаган рейтингини белгилаш учун «Мактаб ўқитувчилари ва директорлари захирасини шакллантириш портали» лойиҳаси мана шу каби муаммоларга ечим бўлади, деган фикрдамиз.

Яъни эндиликда А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти томонидан фанлар бўйича мактаб ўқитувчилари ва директорлар захирасини шакллантириш электрон (портал) тизими яратилмоқда. Бунда халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог кадрлар захираси, шунингдек, ўқитувчи лавозимига талабгор кадрларнинг электрон портфолиоси шакллантирилади. Таълим тизимида фанлар, мактаблар, худудлар кесимида вакант ўринларининг статистикаси аниқланиб, худудлар ва фанлар кесимида ўқитувчилар захираси электрон кўринишда тақдим этилади.

Шунингдек, педагогика йўналишидаги олий ўқув юрти битирувчилари орасидан билимли ва ташаббускорларини саралаб олиш ҳамда иш билан таъминлаш мақсадида вакант ўринларни тўлдириш

тизимлаштирилади.

Хўш, лойиҳа доирасида қандай қулайлик ва имконият яратилади? Бу ташаббус татбиқ этилса, эндиликда талабгорлар яқин худудидаги мактабга ишга қулай тартибда жойлашиш имкониятига эга бўлади. Чунки барча таълим муассасаларидаги вакантлар очик-ойдин кўриниб туради. Ўқитувчиликка талабгорлар ўзи ҳақидаги маълумотлар, ютуқларини резюме кўринишида мактабга юборади ва онлайн шаклда жавоб олади. Директорлар эса саралаш асосида энг яхши мутахассисларни ишга қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Вазирлик республика миқёсида худудлар кесимидаги барча йўналишларда мавжуд вакант ўринлари ва уларни қоплаш, электрон шаклда ўқитувчиларга эҳтиёжни таҳлил қилиш ҳамда олий ўқув юртларига таклиф киритиш билан бирга тизимда фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимларнинг статистикасини кузатиб боради. Ушбу платформа орқали энг илғор раҳбар ва педагогларни тақдирлаш, давлат мукофотларига тавсия этиш мумкин. Халқ таълими сифат менежментини жорий этишда сифатли кадрлар захирасини яратишнинг замонавий тизимларидан фойда-

ланиш имконияти очилади.

Ҳар йили ўқитувчиларнинг рейтинг касбий фаолияти, ўз устида ва ўқувчилар билан ишлаш жараёнида эришган ютуқлари шаффоф, адолатли мезонлар асосида, кенг миқёсда республика, вилоят, туман, мактаб, фанлар кесимида аниқлаш мақсади белгиланган.

Мазкур жараёнларни амалга оширишда тегишли барча маълумотлар реал вақт режимда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали электрон ҳукуматнинг ИМУТ (идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи), OneID (Ягона идентификация тизими) ҳамда халқ таълими вазирлигининг ERP базасига интеграция қилинади. Бу борада ўндан ортиқ давлат ташкилотлари ва вазирликлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Энг муҳими, кадр-

ларни танлаш, муносибларини ишга қабул қилишда инсон омилидан босқичма-босқич воз кечилади.

Эркин МУРОДОВ,
Халқ таълим вазирлигининг умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.

БИЛАСИЗМИ?

Қоида тариқаси, боғчада озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар сифатини ўрганиш бўйича бракераж комиссияси ташкил этилади. Мазкур комиссия ошхонага қабул қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар сифатини доимий ўрганиб боради. Ўрганиш натижалари алоҳида юритиладиган бракераж дафтарларида қайд этилади. Мактабгача таълим ташкилоти ҳамшираси бракераж комиссиясининг раиси бўлиб, қуйидагилар комиссия аъзолари ҳисобланади:

- тарбиячи; ошпаз;
- ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси раиси;
- тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар вакиллари.



«Обод маҳалла» дастури доирасида Давлатобод туманидаги «Халқлар дўстлиги» маҳалласининг узоқ йиллик муаммолари ҳал этиляпти. Жумладан, Ғалаба кўчасида 300 метр Д-300 мм. ичимлик сув тармоғини алмаштириш мақсадида ер қовлаш ва тармоқ тортиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, дастурга асосан, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 4,5 км. янги замонавий электр тармоқ қурилди ҳамда бетон таянчлар ўрнатилди. Шунингдек, ирригация ва мелиорация объекти қурилмоқда. Маҳаллада жами 43 та кўп қаватли уйларнинг ҳозирга қадар 34 тасининг ташқи кўринишлари янгиланди, 18 та кўп қаватли уйларнинг 54 та кириш йўлаклари мукамал таъмирланди.

ТИББИЁТ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори Мадина Муҳаммедова лойиҳаси доирасида «Қандли диабет билан касалланган беморлар учун профилактик пойабзал ишлаб чиқариш» мавзусидаги стартап лойиҳани Инновацион ривожланиш вазирлиги эълон қилган танловга тақдим этиб, ғолиб бўлди.

Қандли диабетнинг давоси топилдими?

27 сентябрь куни НАСА космик кемаси ердан 11 миллион километр узокликдаги Диморф астероидига бориб урилди. Албатта, шубҳасиз, парча-парча бўлиб кетди. Юзлаб миллион доллар сарфлаб ўтказилган бу тадқиқот ерга келиб урилиши ва сайёрамизни ҳалок қилиши мумкин бўлган фазовий жисмларнинг учиш йўналишини у ҳали анча олисдалигида ўзгартириб юбориш усулларида бирини реал шароитда синаб кўриш эди.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ҚАРИЙБ 8,7 ФОИЗИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГ АНИ, УЛАРНИНГ СОНИ ЙИЛ САЙИН КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНИ БУ МУАММО НИҲОЯТДА ДОЛЗАРБ ВА ХАВОТИРЛИ ЭКАНИНИ АНГЛАТАДИ

Айтишларича, Диморф ҳозирда ўз орбитасини 1 фоизга ўзгартирган. 11 миллион километр масофани босиб ўтгунча эса бу «1» минглаб фоизларга айланиши мумкин. Олимлар тажриба самарали ўтгани, эндиликда инсоният шу каби хавфлардан қандай ҳимоялашни билишини таъкидламоқда. Астероид орбитаси ҳали кузатилади. Яқуний ҳулосалар эса бир йиллардан сўнг аниқ айтади. Бу узок-узоклардаги давлат олимпиадининг эришган ютуқлари. Хўш, бизникилар-чи? Бизникилар нима билан банд?

ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИДА ҚАНДАЙ ТАДҚИҚОТЛАР КЕТАПТИ?

Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунё бўйича 537 миллиондан зиёд киши қандли диабетдан азият чекади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 643 миллион кишига етади, яъни ҳар 10 кишидан бири шу дардга дучор бўлади. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 8,7 фоизи қандли диабет билан касаллангани, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам бу муаммо ниҳоятда долзарб ва хавотирли эканини англатади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган «Қандли диабет билан касалланган беморлар учун профилактик пойабзалнинг самарали технологиясини яратиш ва конструкциясини ишлаб чиқиш» инновацион лойиҳаси мазкур муаммонинг илмий ечимини топишга қаратилган. Бухоро муҳандислик-технология институтида педагогика фанлари номзоди, доцент Лайло Узоқова раҳбарлигида илмий лойиҳа доирасида яратилган қандли диабет билан хасталанган беморлар учун ортопедик пойабзал ҳамда модификацияли ортопедик тагликка ихтиро патенти олинди. Айни йўналишдаги тадқиқотлар академик Ё.Тўрақулов номидаги республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари билан бевосита ҳамкорликда амалга оширилди. Натижалар марказ рўйхатида турган беморларда қўлланилиб, синовдан муваффақиятли ўтди.

Диабетга чалинган беморларнинг оёқ товоғида пайдо бўладиган сурункали яралар ва қадоклардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини

олишда профилактик пойабзалнинг фойдаси катта. Бундай беморларда оддий яллиғланиш ҳам жиддий яраларга сабаб бўлиши, ҳатто гангрена ҳолатига олиб бориши эҳтимолдан холи эмас.

Қандли диабет хасталиги бор беморлар учун асосий профилактика воситаси оёқ парвариши ҳамда тўғри танланган ортопедик пойабзалдир. У оёқда пайдо бўладиган жароҳатларнинг олдини олиб, мажруҳлик даражасини камайтиради ва оёқ ампутацияси(қесиби ташланиши)нинг кафолатли реал профилактикаси ҳисобланади. Илмий лойиҳа ниҳоясида беморлар оёқларидаги диабетик патологиянинг бошланғич даражаси, жисмоний ва биомеханик хоссалари тадқиқ этилиб ва тиббий-техник талаблардан келиб чиққан ҳолда, профилактик пойабзалнинг мақбул конструкциясини ишлаб чиқиш технологияси яратилди.

Ҳар қандай илмий лойиҳа натижалари амалиётга татбиқ этилиши, тижоратлаштирилиши, пировардида жамиятга иқтисодий ёки ижтимоий-маънавий жиҳатдан фойда келтириши зарур. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори Мадина Муҳаммедова юқорида тилга олинган лойиҳа доирасида «Қандли диабет билан касалланган беморлар учун профилактик пойабзал ишлаб чиқариш» мавзусидаги стартап лойиҳани Инновацион ривожланиш вазирлиги эълон қилган танловга тақдим этиб, ғолиб бўлди. Ҳозир шу асосда профилактик пойабзалларни буюртмалар бўйича тайёрлаш йўлга қўйилган.

ДУНЁДА ҚАНДАЙ?

Дунёда махсус пойабзаллар етказиб бериш борасида Германия ва Хитой етакчилик қилади. Пойабзаллар Германияда ҳар қайси беморнинг индивидуал хусусиятлари инобатга олиниб, юқори технологияларга мувофиқ, Хитойда гель асосли патаклар оммавий тарзда ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда қандли диабетга йўлиққан беморлар учун махсус пойабзаллар сановат усулида ишлаб чиқарилмайди. Болаларда яссиоёқликни бартараф этишга мўлжалланган оёқ кийимлар тайёрлаш эса нисбатан яхши йўлга қўйилган.

Лойиҳа натижаларини ҳамда профилактик пойабзални тарғиб этиш мақсадида ижрочилар томонидан касалхоналар, жойлардаги эндокринология марказлари билан музокаралар олиб борилмоқда, семинар ва кўргазмалар уюштирилмоқда. Бундан кўзда тутилаётган мақсад битта — у ҳам бўлса, маҳсулотни ўз эгаларига, яъни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи беморларга етказиб бериш, уларнинг мушкулини осонлаштириб, ҳаётига ёрқинлик киритишдир. Бунинг учун махсус касалхона ва марказлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилса, улар профилактик пойабзалга эҳтиёжманд беморлар ва оёқ кийимининг ўлчамлари ҳақида аниқ маълумотлар беришса, маҳсулотни масофадан етказиб бериш хизматини ҳам йўлга қўйиш мумкин.

Айрим мамлакатларда бемордаги жароҳат даво-ланса ёки сўнгги чора сифатида ампутация амалга оширилса, у давлат томонидан махсус пойабзал билан таъминланади. Шунга ўхшаш тажрибани бизда ҳам қўллаш, муайян нарх эвазига амалга ошириш мумкин. Бу беморлар учун ҳар томонлама фойдали бўлади, қолаверса, маҳсулотни кенг кўламда ишлаб чиқариш ва нархини пасайтириш имконини яратади.

Шаҳноза ЭРҒАШЕВА, Инновацион ривожланиш вазирлиги масъул ходими, филология фанлари номзоди.

Хотин-қизлар фаоли кооперацияга асос солди



Қўштепа туманидаги «Сой бўйи» маҳалласида истиқомат қилувчи Отикахон Ҳақимова ушбу маҳаллада хотин-қизлар фаоли вазифасида ишлайди. Бу фидойи инсон маҳалла юмушларидан ортиб, «Хунарманд Рухшонабегим» дўппичилик йўналишида кооперацияга асос солди.

— Дўппидўзликни раҳматли бувим Обидахон аядан ўрганганман, — дейди Отикахон Ҳақимова. — Ёшлигимизда дўппи тикишарди, биз ёнларида ҳали ип, ҳали игна олиб бериб ва яна бошқа юмушларни бажариб, ушбу хунарни ўрганганман. Кейинги йилларда фуқаролар бандлигини таъминлашда кооперация тизими жорий қилинди. Мен ҳам ҳеч иккациямай, дўппичилик йўналишида кооперация ташкил этдим. Дастлаб қўшни аёлларни, кейинчалик

ўзим маҳаллада ишлаганим боис моддий тарафдан қийналган аёлларни бунга жалб этдим. Ҳозирда 152 нафар хотин-қиз билан фаолиятимизни олиб бормоқдамиз. 152 нафар ишчидан 42 нафари «Сой бўйи» маҳалласидаги «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни ташкил этади. Аёллар, асосан, «Оқпар», «Атиргул» ва «Наврўз» нусха дўппи тикадилар. Ҳозирда дўппичилик туман бўйича оммалашмоқда. «Хунарманд Рухшонабегим» дўппичилик йўналишидаги кооперацияда туманнинг «Соҳибкор», «Қийқи», «Катта бешкапа», «Нурафшон» каби маҳаллаларидаги ишсиз хотин-қизлар ҳам иш билан банд. Бир сўз билан айтганда, кооперация тизимининг жорий этилиши аҳолининг ишсиз қатлами ишли бўлиши, хунарини рўёбга чиқариши, энг асосийси, даромадга эга бўлишга хизмат қилмоқда.



ОБУНА – 2023

Мазкур «Шартнома» «Тахририят» «Акцепт»ни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга киради ҳамда «Тарафлар» томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

ОБУНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА (ОММАВИЙ ОФЕРТА)*

1. «Mahalla» nashriyot-matbaa uyi) МЧЖ (бундан кейин — «Тахририят» деб юритилади) қуйида тақлиф қилинаётган шартларни тўлалигича ва сўзсиз қабул қилишни билдирадиган шахс (бундан кейин — «Обуначи») билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2023 йилга обуна шартномасини (бундан кейин — «Шартнома») тузишга тайёр эканлигини билдиради. «Тахририят» ва «Обуначи» кейинги уринларда «Тарафлар» деб номланади.

2. «Обуначи» мазкур «Шартнома» шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тулдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцепт (бундан кейин — «Акцепт») жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги ҳақида «Тахририят»ни хабардор қилади. «Акцепт»нинг барча устунлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тулдирилиши керак. «Акцепт» (97) 780-62-70 телеграм рақами орқали жўнатилиши ёки «Тахририят» жойлашган Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй манзилига юборилиши мумкин. Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. «Тахририят» 2023 йил учун «Акцепт»да кўрсатилган нашрларга обуна қилиш мажбуриятини, «Обуначи» эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур «Шартнома» «Тахририят» «Акцепт»ни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга киради ҳамда «Тарафлар» томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. «Обуначи» обуна қийматини мазкур «Шартнома»нинг шартларига мувофиқ 2022 йил 25 декабрдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. «Обуначи» обуна маблағларини «Тахририят» ҳисоб-рақамига («Акцепт»га биноан белгиланадиган тўловнинг умумий суммасини) пул ўтказиш йўли билан юз фоиз (100%) олдидан тўлайди.

7. «Тахририят» ҳисоб-рақамига мазкур «Шартнома»нинг 5- ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган пул маблағлари келиб

тушганидан кейин, «Тахририят»да «Обуначи»дан келган «Акцепт» мавжуд бўлганида, мазкур «Шартнома» бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. «Тахририят» нашрларни манзили бўйича ҚҚР Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимларига ёки «Обуначи» манзилига юк-ҳужжати (накладная) асосида етказиб беришни ташкил қилади. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, «Обуначи» бу ҳақда «Тахририят»ни хабардор қилиши шарт.

9. «Акцепт» мuddати 2022 йил 25 декабр-гача қилиб белгиланади. Агар «Тахририят» томонидан «Акцепт» ва пул маблағлари ушбу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, «Шартнома» тузилмаган деб ҳисобланади, «Тарафлар»да ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари «Обуначи»га қайтарилади.

10. «Обуначи» «Акцепт»да ўз манзилини нотўғри кўрсатган бўлса, нашрларни етказиб бериш юзасидан «Шартнома» шартлари бажарилмаганлиги учун «Тахририят» «Обуначи» олдидан жавобгар бўлмайди.

11. «Тарафлар» «Шартнома» шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу «Шартнома» тузилганидан кейин, «Тарафлар» олдидан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулодда тусдаги воқеалар натижасида энгил бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бўлганини оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайди.

12. Мазкур «Шартнома»ни бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни «Тарафлар» музокара билан йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал этилади.

13. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мuddати — 2023 йил 31 декабр-гача.

ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi) МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй

Х/р: 2020 8000 3001 9241 7001, АКБ «Туронбанк» Бош офиси. МФО: 00446,

ИНН: 201 534 659, ИФУТ: 58 130, ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: 326020011690

Тел(факс): (71) 233-10-92, (71) 233-39-89, (97) 146 02 07

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi) МЧЖ

Бош директори

Б. АБДУСАТТОРОВ

ИЛОВА

БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

2022 йил «__» _____

1. _____
(Обуначининг тасвир ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтказилган суммасидаги мувофиқ ташкил-ҳужжат шакли кўрсатилган тўлиқ номи)

_____ асосида амал қилувчи
(Обуначи тасвир шартномаси, устас, низо ва б. шартнома)

_____ тимсолида,
(Обуначи алоқаси алоқасининг Ф.И.Ш. (тўлиқ), устас алоқаси)

«Mahalla» газетасининг 2022 йил 01 октябрдаги 39 (2073)-сонда эълон қилинган обунани ташкил этиш бўйича оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2023 йил учун қуйидаги нашрларга обуна бўлади:

№	Нашр номи	Формати, саҳифаси	Даврийлиги	Йиллик обуна баҳоси (ҚҚС билан)	Сони	Суммаси
1.	«Mahalla» газетаси	A3; 16 саҳифада	Ҳафтада 1 марта, бир йилда 52 марта	600 000		
2.	«Mahalla ko'zgusi» журнали	A4, 64 саҳифада	Ҳар ойда бир марта, бир йилда 12 марта	400 000		

2. Тўлаш учун умумий сумма ҚҚС билан _____ сўмини ташкил қилади.
(Формалар ва ёғун билан кўрсатилган)

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тулдирилади):
Почта индекси _____
Минтақа / Вилоят: _____, шаҳар/туман: _____
(Ишларча, маҳалла, қишлоқ, кўча, дала, мазо, уй, қа, хона)

Мўлжал: _____
4. Богланиш учун телефон: _____
5. Алоқа боғловчи шахс: _____ (Ф.И.Ш.)

Обуначи реквизитлари:
СТИР _____
ИФУТ _____
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____
Почта манзили _____
Телефон _____
Х/р _____
Хизмат кўрсатувчи банк _____
Банк коди _____

(ваколатли мансабдор шахс илгоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.Ў.

* Обунани ташкил этиш бўйича шартнома (оммавий оферта) нусхаларини олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Электрон тижорат қонуний асосга эга бўлади

АГАР ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛМАСА ЁКИ ТАВСИФГА МОС КЕЛМАСА, «ЭКСРОУ» ХИЗМАТИНИ КЎРСАТУВЧИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ХАРИДОРГА ҚАЙТАРАДИ ЁКИ, АГАР ТОВАР ХОРИДОР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БЎЛСА, ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ СОТУВЧИНИНГ ҲИСОБВАРАФИГА ЎТКАЗИЛАДИ

Электрон тижорат ҳаётимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Тўғриси, бу шу қадар шиддатли юз бердики, ҳодиса иқтисодиётнинг анчагина қисмини эгаллаб олганини сезмай ҳам қолдик. Электрон платформалар, имзо ва тизимнинг бошқа унсурларидан фойдаланиб, миллиардлаб даромад қилаётганлар кўпайиб қолган. Куни кеча Президентимиз соҳани тартибга солувчи қонуний имзолади. «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун қатор тушунчаларга ҳуқуқий изоҳ беради. Олди-сотди шартномалари, яқна тартибдаги сотувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилади. Тизимда фирибгарлик, алдовларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Биламизки, ижтимоий тармоқлар орқали савдо қиладиганлар ҳозирда талай. Бунда, айниқса, «телеграм» юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Тўғриси, мазкур тармоқ кўпчилик учун қўшимча, баъзан эса ягона даромад манбаига айланиб қолган. Айниқса, хотин-қизларимиз тармоқда турли кийим-кечаклар, парфюмерия ва косметика воситалари, дори-дармонлар савдоси билан кўп шуғулланишади. Аниқ айтаман, катта шаҳарларда телеграм ёки инстаграм орқали савдо қилишни синаб кўрмаган бола парвариши таътилидаги аёлни кам учратасиз. Айримлари савдонинг нонини еганидан сўнг ишга қайтишни ҳам истамай қолишади. Зеро, уйда ўтириб, болаларга қараб, қайсидир савдо маркази ёки фирманинг маҳсулотини сотиб, мўмай даромад орттириш қайси аёлга ёқмайди.

ТўЛОВ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Хўш, янги қонун ижтимоий тармоқдаги сотувчиларнинг фаолиятини ҳам тартибга оладими?

— Қонунга кўра, электрон тижоратда шартнома тарафлар ўртасида шартнома шартларини электрон ҳужжатлар ва (ёки) хабарларни тасдиқлаш йўли билан келишиш орқали электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади, — дейди Савдо-саноат палатаси ахборот хизмати раҳбари Дилфузабегим Рўзметова. — Электрон ҳужжатлар қоғозда расмийлаштирилган ва ўз қўли билан имзоланган ҳужжатларга тенглаштирилади. Сотувчилар қуйидагилардан иборат: электрон савдо майдончасида товарларни (ишларни ва хизматларни) чакана ва (ёки) улгуржи сотиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар ва яқна тартибдаги тadbиркорлар, электрон савдо майдончасида товарларни (ишларни, хизматларни) чакана сотиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ўзини ўзи банд қилган шахслар.

Соҳада тўловлар бир қатор усул-

ларда амалга оширилиши мумкин. Нақд пул маблағлари тўлов воситаси тарзида виртуал терминаллар (Е-POS) орқали қабул қилинган тасдиқлайдиган ҳамда сотувчи ва товар тўғрисидаги ахборотни ўзида акс эттирадиган ҳужжатларни харидорга тақдим этиш орқали, пул маблағларини банк ҳисобварағидан ўтказиш воситасида, шу жумладан, шахсий кабинет орқали ёки тўлов ташкилотининг тизими орқали ўтказиш, электрон пуллар тизимида очилган электрон ҳамёндаги пул маблағларини ўтказиш воситасида ва ҳақозо.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ижтимоий тармоқлар орқали савдо ҳам электрон тижорат сифатида баҳоланиши мумкин. Демак, савдосига қонуний тус бериш учун бундай фуқаролар Давлат хизматлари агентлиги орқали тегишли рўйхатдан ўтишлари керак бўлади.

«ЭКСРОУ» ХИЗМАТИ НИМА?

Қонунда электрон савдо жараёнида «эксроу» хизматидан фойдаланиш тўғрисида алоҳида таъкидланиб ўтилган. Яъни савдо майдончаларининг операторлари, тўлов хизматларини етказиб берувчилар ва товарларни етказиб бериш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ўз ахборот тизимларига ёки банк ҳисобрақамларига «эксроу» хизматини жорий этиши мумкин.

Товарлар учун харидор томонидан тўловни амалга ошириш чоғида «эксроу» хизматини кўрсатувчи тўланган пул маблағларини харидор товарлар олинганининг тасдиғи олинганига қадар сақлаш ҳуқуқига эга. Агар товар етказиб берилмаса ёки тавсифга мос келмаса, «эксроу» хизматини кўрсатувчи пул маблағларини харидорга қайтаради ёки, агар товар харидор томонидан қабул қилинган бўлса, пул маблағлари сотувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

Бу эса тизимда фирибгарлик, ўзаро ишончсизликка барҳам беришга хизмат қилади.

У.ИБОДИНОВ.

ТАБИАТ ВА БИЗ

Низомга кўра, «Яшил жамоат парклари» бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объеклари, шу жумладан, аттракционлар қурилиши тақиқланган ҳамда аҳоли сайил қилишига мўлжалланган дарахтзор ва бутазорлардан иборат бўлади. Улар юридик шахс ҳисобланмайди ва парклар ҳудудида кириш бепул.



Маҳаллада яшил боғ ёки жамоат парки қандай ташкил этилади?

«ЯШИЛ БОҒЛАР» ВА «ЯШИЛ ЖАМОАТ ПАРКЛАРИ»НИ БАРПО ЭТИШ УЧУН ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙЛАР МУЛҚДОРЛАРИ ТАШАББУС БИЛАН ЧИҚИШИ МУМКИН

Бироқ, афсуски, шаҳарларда яшилликнинг тобора қисқариб бораётгани жиддий хавотирларга сабаб бўлади. Биргина Тошкент шаҳрини олинг. Бундан 10-15 йил олдинги яшиллик ва бугунги ҳолат осмон билан ерча фарқ қилади. Шу муддат ичида яшил ҳудудлар қисқарди — нафақат дарахтлар кесилди, балки боғлар ҳам яқсон қилинди. Кўпчилик билмаслиги мумкин: пойтахтдаги Консерватория ўрнида кичкина кўл ва у ерда яшил зона бўлган. Ўша кўл қуритилди. Қолаверса, «Роҳат», «Бахт» кўллари, ариқлар, жарликлар бетонлаштирилди.

Айни ҳолат бундай давом этиши мумкин эмас эди. Шу мақсадда Президент ташаббуси билан «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига старт берилди. Худудларда миллионлаб туп дарахтлар экилди, уларнинг ривожланишини назорат қилиш, суви ва қарови бўйича алоҳида масъуллар бириктирилди. Кунни кеча Ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳужжат — «Яшил боғлар» ва «Яшил жамоат парклари»ни барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор билан айни йўналишдаги ишлар яна бир босқичга кўтарилди.

Шу ўринда битта факт: Ўрмон ҳужалиги давлат кўмитасининг маълумот беришича, Президентнинг 2021 йил 30 декабрдаги «Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра,

2022-2024 йилларда юртимизнинг 186 та туман ва шаҳрида 1 278,2 гектар майдонда (жумладан, жорий йилда 584,2 гектар майдонда) «яшил боғлар» ҳамда 184 та туман ва шаҳрида 1 082,34 гектар майдонда «яшил жамоат парклари» ташкил этиш бўйича дастур тасдиқланган. Бугунги кунга қадар 480 гектардан ортиқ майдонда «Яшил боғлар» ҳамда 500 гектарга яқин майдонда «Яшил жамоат парклари» ташкил этилди.

«ЯШИЛ БОҒЛАР» ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган «Яшил боғлар» тўғрисидаги Низомга кўра, бундай боғларни ташкил этиш, сақлаш ва ривожлантириш маҳаллий бюджетларнинг кўшимча манбалари, ҳомийлик хайриялари, грантлар ва бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда ҳокимликлар аҳолига бепул тарқатиш учун маҳалла фуқаролар йиғинига кўчатлар етказиб беради. «Яшил боғлар» жойлашган ер уларнинг мулкдорлари тасарруфида, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачилари эгалигида бўлади.

Аҳоли пунктларида қаровсиз қолган дарахтларни сақлаш ва парвариш қилиш ҳамда «Яшил боғлар»ни кўкаламзорлаштириш, шу жумладан, уларнинг ҳудудида дарахтларни экиш, сақлаш ва парвариш қилиш ишларига ишсиз шахслар, биринчи навбатда, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари»

ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар фаол жалб қилинади.

«Яшил боғлар»ни барпо этиш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари ташаббус билан чиқиши мумкин. Ташаббус 15 кун ичида кўриб чиқилади. Боғларга кўчат экиш тадбирларини ҳар йили баҳор ва куз мавсумларида «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси амалга оширади.

Мухим жиҳат: «Яшил боғлар» фаолиятига айрим чекловлар қўйилади. Жумладан, уларнинг ҳудудида бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объеклари, шу жумладан, аттракционлар қуриш, ҳужалик фаолияти (чорва ва паррандаларни кўпайтириш-боқиш, балиқчилик) билан шуғулланиш, боғ ҳудудида дарахтларни ноқонуний кесиш, «Яшил боғлар» ташкил этилган майдонларни хусусийлаштириш тақиқланади.

ПАРКЛАРДА ҚАНДАЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ?

Ҳукумат қарори билан тасдиқланган яна бир ҳужжат — «Яшил жамоат парклари» тўғрисидаги Низомга кўра, «Яшил жамоат парклари» бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объеклари, шу жумладан, аттракционлар қурилиши тақиқланган ҳамда аҳоли

сайил қилишига мўлжалланган дарахтзор ва бутазорлардан иборат бўлади. Улар юридик шахс ҳисобланмайди ва парклар ҳудудида кириш бепул.

«Яшил жамоат парклари» аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари асосида ташкил этилади. Бундай парклар аҳоли пунктларида, одатда, ободонлаштирилмаган бўш турган ҳудудларда, улар мавжуд бўлмаганда, боғ-парк ёки дарахтзорлар ҳудудига жойлаштирилади. Бунда улар аҳолининг сайил қилишига, табиат билан уйғунлашган ҳолда очиқ ҳавода хордиқ чиқаришига мўлжалланган, аҳоли яшаш пунктида ёки унга туташ ҳудудларда жойлашган, майдони 0,5 гектардан кам бўлмаган дарахт-бутазор ҳамда майсазорлардан иборат бўлиши талаб этилади.

Парклар ҳудудида, одатда, велосипедлар учун экойулаклар ташкил этилади. Унинг ҳудудида кўرғазмалар, байрам тадбирлари (спорт тадбирлари, халқ сайиллари ва бошқа тадбирлар) ўтказилиши мумкин. Қолаверса, паркларда очиқ ҳаводаги кутуб-

хоналар, шахмат, шашка, домино каби ўйинлар учун яшил спорт майдончалари, ландшафт дизайнининг замонавий намуналари (топиар, композиция, бонсай, вертикал кўкаламзорлаштириш), сунъий кичик кўллар, сунъий шаршаралар, усти ёпиқ айвонлар ва дам олиш ўриндиқлари бўлади.

«Яшил жамоат парклари» аҳоли пунктлари ҳудудида жойлашуви бўйича — умумшаҳар (марказий), туман (тураржой ҳудудларида) ҳамда географик жойлашуви бўйича — шаҳар, шаҳардан ташқари, қишлоқ парклари (шаҳар типидagi посёлкаларда, қишлоқлар ва овулларда) мезонлари бўйича таснифланади. Бундай парклар аҳоли яшаш пунктларида ёки уларнинг жамоат транспортида етиб бориш вақти 20 дақиқадан ошмаган ҳудудларда жойлашган бўлиши лозим. Парклар ҳудудида тамаки чекиш, алкоголь маҳсулотлари истъомол қилиш, овқатланиш, машиналарнинг кириши, оилавий тадбирларни ўтказиш мумкин эмас. Тунги вақтларда киришга чекловлар ўрнатилиши мумкин.

Хуллас, Ҳукумат қарори билан аҳолининг мазмунли хордиқ чиқариши, маданий дам олиши, спорт билан шуғулланиши, энг муҳими, табиатни ҳис қилиши учун яна бир муҳим ташаббус илгари сурилмоқда. Эндиликда ҳар икки Низомда белгилангани каби, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудида «Яшил боғлар» ва «Яшил жамоат парклари»ни ташкил этиш бўйича ташаббусни қўлга олиши зарур. Зеро, бу билан ҳам одамлар розилигига эришилади, ҳам табиат мусоффолиги таъминланади.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Ўлчам — А3, 2 босма табоқ. 7 900 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-1018
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

